

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**БИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШНИНГ
АСОСЛАРИ ВА ГЕНОМИКА**

2021

**Мустафоева М.И. биология фанлари номзоди,
доцент**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“БИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШНИНГ
АСОСЛАРИ ВА ГЕНОМИКА”**

МОДУЛИ БҮЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Биология

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: **М.И.Мустафоева** биология фанлари номзоди, доцент.

Тақризчи: **С.Б.Бўриев** биология фанлари доктори, профессор.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)**

І.ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ва 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Биологик ривожланишнинг асослари ва геномика ўқув фанини ўзлашириш жараёнида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари тирик организмларнинг ҳаётий жараёнларини, тарихий тараққиётини ва организмларнинг кўпайиш ва ривожланиш қонуниятларини узвийлигини белгиловчи долзарб масалаларни ҳал эта олади. Шу билан бирга бу фан тирик мавжудотларларни ўрганувчи умумбиологик фанлар: ботаника, зоология, биохимия, биофизика, физиология, ирсият қонуниятларини ўрганувчи генетика, ҳамда организмларни атроф мухит билан ўзаро муносабатларини ўрганувчи экология фанларининг замонавий услублари ёрдамида организмларда содир бўладиган мураккаб жараёнлар ҳақида ва ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган ген мухандислиги тўғрисида ҳам тасаввурга эга бўладилар.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Биологик ривожланишнинг асослари ва геномика модулининг мақсади ва вазифалари:

– педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини биологик ривожланиш асосларини тушунтириш орқали, тирик организмларда бўладиган турли ҳаётий жараёнларни ҳар томонлама тушунтириш ва биологик фанларни умумлаштириб хулоса чиқариш ва энг асосийси онтогенез ва филогенез масалаларини тўғри тушунишга қаратилган бўлиб, бунда биологик фанларнинг энг долзарб муаммоларидан фойдаланиш керак бўлади. Тингловчилар ушбу фанни ўзлашириш жараёнларда ривожланишнинг турли босқичлари ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, ҳамда ирсиятни ўзгартириш масалалари тўғрисида керакли билимга эга бўладилар.

– Биологик ривожланишнинг асослари ва геномика фанини ўқитишининг вазифаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига ҳозирги замон биологик ривожланишнинг асосларини, ҳамда уларга чегарадош бўлган фанлар ютуқларига асосланган ҳолда хужайралар асосида янги дунё қарашни шакллантириш асосларидан билим беришдан иборатdir. Ҳозирги кунда бу соҳани жадал суръатларда ривожланиши натижасида, замон талабига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш талаб этилмоқда. Шу сабабли педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига биологик ривожланишнинг асосларини ва геномика масалаларини очиб бериш замонавий илмий педагогик кадрлар тайёрлашга ёрдам беради ва бу фанни биология ва турдош фанлар соҳаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида билим олаётган тингловчиларга ўргатиш замон талабига мовофиқлиги билан ажralиб туради.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўниқмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Биологик ривожланишнинг асослари ва геномика” курсини

ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- замонавий биологиянинг ривожланиш йўналишлари ва ютуқлари;
- замонавий биологик фанларнинг усулларини ўрганиш мақсадларида турли изланишларнинг асосий йўналишлари;
- биологик ривожланиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- биологиянинг молекуляр йўналишларини;
- тирик организмларнинг ривожланиш босқичларини;
- Замонавий биологиянинг ютуқларини, фермент ва оқсил тўғрисида, ген муҳандислиги усуллари ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

Биологик ривожланишнинг асослари соҳасидаги муаммолар, энг сўнгги ютуқлар ва янги ишланмалар;

- Ўзбекистондаги биологик фанларнинг муаммоларини билиши ва улардан фойдалана олиши бўйича **кўникма ва малакаларни эгаллаши**;
- Тирик организмлар ва уларнинг манбаларидан оқилона фойдалана олиш;
- олинган натижаларни экспериментал ва статистик таҳлил қила олиш;
- биологик ривожланишнинг асослари ва геномика соҳасида янгиликларни яратадиган олиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Биологик ривожланишнинг асослари ва геномика” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Биологик ривожланишнинг асослари ва геномика фанини ўзлаштиришда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари биологиядан: микробиология, генетика, молекуляр биология, биохимия, биофизика, физиология, ботаника ва зоология конунлари ҳақида тушунчага эга булишлари керак. Биохимиядан - ферментатив реакциялар механизmlари, ишлаш жараёнлари; хужайра биологиясидан- хужайра тузилиши, хужайрада асосий жараёнларнинг кечиши, хужайраларнинг купайиши; молекулар биологиядан-ДНК ва РНК тузилиши, транскрипция, трансляция қонунлари, рибосомалар тузилиши, генетик код структура элементлари, геномика

хақидаги билимларни, замонавий компьютер техникасини, замонавий услугалар ёрдамида организмларда содир бўладиган мураккаб жараёнларни умумлаштириш учун етарли билим ва қўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Республикамизнинг иқтисодиёти фундаментал фанларнинг ривожланишига ва унинг ютуқларига ҳам боғлиқ. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий биологик фанларнинг асоси хақида тасаввурга эга бўлиши, биологик ривожланиш асоларининг молекуляр йўналишларини, геномика асосларини, тирик хужайранинг ривожланиши соҳасидаги мавжуд муаммоларни баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

“Биологик ривожланишнинг асослари ва геномика” модули бўйича соатлар тақсимоти

№	Мавзу номи	Жами аудитория соати	Аудитория		Кўчма машғулот
			Назарий	Амалий	
1.	Биологик ривожланишнинг асослари. Тирик организмларнинг ҳаётий жараёнлари, тарихий тараққиёти ва организмларнинг кўпайиш ва ривожланиш қонуниятларининг узвийлиги. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ирсият масалалари.	6	2	4	
2.	Тирик организмларнинг асосий биополимерлари оқсил, нуклеин кислоталари. Транскрипция, трансляция ва оқсил биосинтези.	6	2	4	
3.	Рекомбинант ДНК технологияси, геномика асослари. Фаннинг ривожланиш босқичлари, унинг мазмуни ва вазифалари. Ген муҳандислигидаги ютуқлар.	6	2	4	4
Жами:		22	6	12	4

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Биологик ривожланишнинг асослари.

1.1 Тирик организмларнинг ҳаётий жараёнлари, тарихий тараққиёти ва организмларнинг кўпайиш ва ривожланиш қонуниятларининг узвийлиги.

1.2 Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ирсият масалалари.

2-мавзу: Тирик организмларнинг асосий биополимерлари оқсил, нуклеин кислоталари. Транскрипция, трансляция ва оқсил биосинтези.

2.1 Тирик организмларнинг асосий биополимерлари оқсил, нуклеин кислоталари

2.2 Транскрипция, трансляция ва оқсил биосинтези.

**3-мавзу: Рекомбинант ДНК технологияси, геномика асослари.
Фаннинг ривожланиш босқичлари, унинг мазмуни ва вазифалари.**

Ген мұхандислигидаги ютуқлар.

- 3.1 Рекомбинант ДНК технологияси, геномика асослари.
- 3.2 Фаннинг ривожланиш босқичлари, унинг мазмуни ва вазифалари.
- 3.3 Ген мұхандислигидаги ютуқлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Үқув машғулотларни ташкил этиш бүйича кафедра профессор-үқитувчилари томонидан күрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқылади. Унда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари асосий маъруза мавзулари бүйича олган билим ва кўникмаларини машғулотлар олиб бориш жараёнида янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва үқув қўлланмалар асосида тингловчилар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни тайёрлаш орқали тингловчилар билимини ошириш, мавзулар бүйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар Биологик ривожланишнинг асосларидан олган назарий билимларни мустаҳкамлаши ва умумий хуносалар чиқара олиши мумкин. Олинган билим ва кўникмалар дарсликлар, қўлланмалар, маъруза материаллари, илмий мақола ва тезислар ёрдамида, тарқатма материаллардан фойдаланилган холда мустаҳкамланади.

**1-амалий машғулот мавзуси: Биологик ривожланишнинг асослари.
(4 соат)**

- 1.1 Тирик организмларнинг ҳаётий жараёнлари, тарихий тараққиёти ва организмларнинг кўпайиш ва ривожланиш қонуниятларининг узвийлиги.
- 1.2 Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ирсият масалалари.

**2-амалий машғулот мавзуси: Тирик организмларнинг асосий
биополимерлари оқсил, нуклеин кислоталари. Транскрипция,
трансляция ва оқсил биосинтези. (4 соат)**

- 2.1 Тирик организмларнинг асосий биополимерлари оқсил, нуклеин кислоталари
- 2.2 Транскрипция, трансляция ва оқсил биосинтези.

**3-амалий машғулот мавзуси: Рекомбинант ДНК технологияси,
геномика асослари. Фаннинг ривожланиш босқичлари, унинг мазмуни
ва вазифалари. Ген мұхандислигидаги ютуқлар. (4 соат)**

- 3.1 Рекомбинант ДНК технологияси, геномика асослари.
- 3.2 Фаннинг ривожланиш босқичлари, унинг мазмуни ва вазифалари.
- 3.3 Ген мұхандислигидаги ютуқлар.

Үқитиши шакллари

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);


- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Давра сухбати” методи

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзууни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча дикқат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



Белгилар:
1-таълим олувчилар
2-айлана стол

Ёзма давра сухбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йигиб олиниб, таҳлил қилинади. Куйида “Давра сухбати”

методининг тузилмаси келтирилган.



“Давра сұхбати” методининг афзалликлари:

- үтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи үзининг баҳоланиши масъулиягини ҳис этади;
- үз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниклаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилған түшунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилған тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослади, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилған муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Геном таҳрирлаш технологиясининг қўлланилиши

Одам организмида		Ҳайвон организмида		Ўсимлик организмида	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Ассисмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

1. Амплификация нима?
 - A. РНК молекуласини полимераза ферменти ёрдамида синтези
 - B. Генни (ДНК молекуласи ёки унинг фрагменти) изчилик билан кўп маротабалаб нусхаланиши
 - C. ДНК молекуласининг водород боғлар ёрдамида боғланиши
 - D. ДНК дан РНК синтези



Қиёсий таҳлил

- Ампликон жараёнини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- ДНК қисқармасини изоҳланг...



Амалий кўникма

- ПЗР қўйиш учун керакли тажрибаларни кетма-кетлиги бўйича бажаринг?

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англалиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Геном	Геном – бу хужайрадаги барча ДНК лар йиғиндисидир.	
Секвенслаш	ДНК ва РНК молекулаларининг нуклеотид кетма-кетлигини аниqlаш.	
Ген	Ген - классик генетикада - организмнинг маълум бир хусусияти ёки функцияси тўғрисида маълумот олиб борадиган ва ирсиятнинг таркибий ва функционал бирлиги бўлган ирсий омилдир.	
TALEN	Транскрипцияни фаоллаштирувчиларга ўхшаш эфектор нуклеазалар.	
CRISPR	Мунтазам бир-биридан бир хил узоқликда жойлашган қисқа палиндромик гурухлар такрорлари.	
Ген онтологияси	Ген Онтологияси - барча биологик турларнинг генлари ва ген маҳсулотларини изоҳлаш учун ягона терминологияни яратишга бағишиланган биоинформатик лойиҳадир.	
Экспрессия	Намоён бўлиш - муайян ген томонидан аниqlанувчи белгининг фенотипда организмнинг яшаш шароитига қараб намоён бўлиш даражаси.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Намуна: Биоинформатика тушунчаси ва унинг тарихи. Фан сифатида



III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу : Биологик ривожланишнинг асослари. Тирик организмларнинг ҳаётий жараёнлари, тарихий тараққиёти ва организмларнинг кўпайиш ва ривожланиш қонуниятларининг узвийлиги. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ирсият масалалари.

Режа:

1. Биологик ривожланиш асослари
2. Тирик организмларнинг ҳаётий жараёнлари, тарихий тараққиёти ва организмларнинг кўпайиш ва ривожланиш қонуниятларининг узвийлиги.
3. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ирсият масалалари.

"Биологик ривожданишнинг асослари" фани XVI —XVII асрлардан бошлаб ривожлана бошлаган. XVI асрда ривожланиш тўғрисида икки хил оқим, яъни преформация (шаклланиш) ва эпигенез (янгитдан пайдо бўлиш) оқими пайдо бўлади.

Преформизм оқимининг тарафдорларидан бири В.Гарвей (1578—1657) бўлган. У ҳайвонларни тухумдан келиб чиққанлигини, ҳамма тирик жон жуда кичик ҳолда тухумнинг ичидаги жойлашишини ва фақат ўша ерда ўсишини айтган. Унингча, тухум ичидаги жонлар жуда кичкина ва тиник ипсимон бўлганлиги учун ҳам уларни кўра олмаймиз. Унинг таълимоти бўйича ҳайвонларни пайдо бўлиши учун ҳил, яъни: муҳитдаги ташқи куч орқали, метаморфоз йўли билан ва ўзидан ўзи келиб чиқишидир. В.Гарвей ҳамма жонларни тухумдан келиб чиққанлигини айтган бўлсада, бироқ бу фикрни исботлаб берган олим Ф.Реди бўлган. У 1688 йилда пашшанинг ривожланишини ўрганиш натижасида шуни кўрсатадики, личинкаларнинг пайдо бўлиши гўштни бузилиши натижасида бўлмай, балки гўштни устига пашша қўниб тухум қўйишидан келиб чиққандир.

XVII асрда преформизм тарафдорлари икки оқимга бўлинди. Биринчи оқим тарафдорлари тирик жон тухум ҳужайрасида деса, иккинчиси — уруғ ҳужайрасида деб тушунтиради. Шунга кўра тирик жон тухум ҳужайрада деганлар - овистлар, тирик жон уруғ ҳужайра (сперматозоид) да деганлар эса анималькулситлар деб атала бошланди. Л.Ҳамм ва Левенгуклар анималькулисталар ҳисобланганлар. Улар 1677 йилда микроскоп ясад биринчи бўлиб сперматозоидни кўрадилар ва уни харакатчанлигига кўриб "кичик тирик жон" деб атайдилар. Ш.Бонне ширанинг ривожланишини ўрганиб, уларда қўпайиш партоногенез йўли билан бўлишини кўради, яъни тухумнинг ривожланиши учун сперматозоидни иштироки шарт эмаслигини айтади ва ўша даврда преформизм оқимининг энг кўзга кўринган тарафдори бўлиб чиқади. Бу эса ҳамма одамзот момо - хаводан келиб чиққан, яъни унинг тухумдонида керакли миқдорда одамчалар яратилган, кейинчалик эса

улар фақат ер юзида тарқалган. Ҳеч нима янгитдан келиб чиқмайди ва ҳамма нарса худонинг қудрати билан яратилган" дейишга асос бўлди.

Преформизмга қарама-қарши иккинчи оқим эпигенез назарияси ҳисобланади. Бу таълимот бўйича тухум ва уруғ ҳужайраларда тайёр ҳолда ҳеч қандай организм бўлмайди. Шаклланмаган моддадан ривожланиш асосида тирик жон келиб чиқади. Тухум ичидаги бўлган моддалар озиқ моддалар ҳисобланади, деб тушунтирадилар.

Эпигенез назариясининг асосчиси — К.Ф.Вольф (1734—1794) бўлиб, у фақат далилларга таяниб иш кўрган. К.Ф.Вольф анатомик ва эмбриологик тадқиқот ишларини олиб борган. Масалан, сут эмизувчиларнинг эмбрионал ривожланишини ўрганар экан, юмалоқ, кичкина пуфакчаларни кўрган ва бу пуфакчаларнинг (хужайраларнинг) шаклланиши натижасида янгитдан органлар пайдо бўлишини аниқлаган.

1764 йилда К.Ф.Вольф "Регенерация назарияси" деган асарида ривожланиш асосида овқатланиш, ўсиш ва органларнинг пайдо бўлишини кўрсатган. Товуқларнинг тухуми тараққиётини ўрганиш натижасида эса шуни аниқлаганки, ривожланишнинг бошланишида ҳеч қандай органлар ҳосил бўлмайди, аста-секин ичак, мия найи ва бошқа органлар ривожланиб боради, яъни олдин оддий кейинчалик мураккаблашиб боради. Ривожланаётган ҳайвонларда бутун органлар эмбрион ва рақаларидан ҳосил бўлади, деб таъкидлади. Вольф томонидан бундай таълимотнинг яратилиши фанда катта ютуқ бўлди.

Эпигенетик назария барча олимларнинг дунёқарашларини ўзгартирди. Натижада агар ҳар қандай жон янгитдан пайдо бўлса, у ҳолда тирик жоннинг ўзи қачон, қаерда ва қандай қилиб келиб чиқсан, деган савол туғилди. Шу сабабли XIX асрда Германияда натурфилософия оқими пайдо бўлди. У биологияни, шунингдек, эмбриологияни ривожланишига анча тўсқинлик қилди.

Ёш олим Ф.Шеллинг (1775—1854) уз таълимотини табиат ходисаларининг бирлигидан бошлайди. У органик дунёни келиб чиқишини ҳамма тирик жон бир оддий формадан ташкил топганини айтиб, тўғри фикрлади, лекин бари бир ҳамма нарсанинг келиб чиқишини худога боғлайди. Шеллингнинг фикри бўйича неорганик дунёда ривожланиш уч (магнетизм, электр, кимёвий таъсиротлар) кучга боғлиқ деб тушунтиради. Ҳар бири реакциялар орқали бири-иккинчисига ўтиши мумкин. У тирик жонларни ривожланиши сезгига, жаҳлдорликка, яратилишга боғлиқ деди. Шеллинг тирик ва тирик бўлмаган моддаларда қарама -қаршиликнинг бўлиши шартлигини кўрсатади. Булар: субъектив ва объектив, борлиқ ва фикрлаш, тортишув ва итариш кучлари, маъқуллик ва инкорлик. Тирик жонларда Шеллинг ички ва ташқи муҳитнинг бир-бирига борлиқлигини, яъни организм ташқи шароитга боғлиқлигини кўрсатади.

Шеллингнинг натурофилоسوفик назариясини Л.Окен (1779-1851) ривожлантириди. Лекин Окен ҳам замонавий фикрларни юритиб, ҳаётни денгиздан келиб чиқишини айтган бўлса ҳам, бари бир дунёни худо яратган

дейди. Россияда натурфилософик фикрларни Д.М.Велланский (1774-1847) ривожлантириди. Германияда Шеллингнинг лекцияларини эшитган Велланский ички органлар билан ташқи органлар ўртасидаги ўхшашликни ахтаради. У бошга, кўкракка ва тос суюклариға ўхшаш булган пастки жар, қўл ва оёқ суюклар мавжуд деган нотўғри фикрни юритади. Органларни солиштириш натижасида эса янги солиштирма анатомия ва эмбриология фанлари келиб чиқади. Преформистик, эпигенетик, овистик, анималькулистиқ, натурфилософик ва метафизик назариялар асосида фикр ётсада, бирок, бу фикрлар афсонавий, фантастикдир.

Ҳар қандай фан экспериментал усул орқали илгари сурилади. Ф.К.Вольфнинг жўжа устидан олиб борган эмбриологик тадқиқот ишларини рус академиклари Х.Пандер ва К.М.Бэр давом эттиридилар. Х.Пандер эмбрион варақаларининг аҳамиятини аниқлади ва учинчи қават бўлиши кераклигини айтди. Унингча, устки қават сероз, остки қават шилимшиқ қават ва уларни ўртасида қонлик қават ҳам бор, деб айтади.

Эмбрион варақалари ва уларнинг ривожланиши устида К.М.Бэр анча кузатув ишлари олиб борган, ҳамда эмбриологиянинг тараққиётига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. К.М.Бэр 1792 йилда Эстланд губерниясида (Эстония) туғилган. Ватанида медицина маълумоти олгач, Германияга кетади ва у ерда солиштирма анатомия соҳасида иш олиб боради, Шеллинг ва Окен натурфилософиясини ўрганиб чиқади. У Кенисберг университетида умуртқасиз ҳайвонларнинг солиштирма анатомияси ва зоологияси буйича лекциялар уқийди. 1828 йилда Бэр Петербург Академияси аъзолигига сайданади ва 1834 йилда Россияга келиб умрининг охиригача шу ерда яшайди. Бэр 400дан ортиқ илмий ишлар муаллифи булиб, жуда кўп асарлар яратган. Унинг ишлари вафотидан сўнг ҳам бир неча бор қайта босилиб чиқарилган.

Бэр биринчи бўлиб сут эмизувчиларнинг ва одам тухум ҳужайраларининг тузилишини аниқлади (ундан олдин грааф пуфакчани тухум деб билганлар). К.Бэр узининг "Ҳайвонларнинг ривожланиш тарихи" асари билан фанга катта ҳисса қўшган. Бэр умрининг охирида эволюцион назариядан ва материалистик фикрлардан озроқ четлашган бўлса ҳам, улкан олим бўлиб, эмбриологиянинг асосчиси ҳисобланади.

К.М.Бэр жўжанинг эмбрионал ривожланишини ўрганишдан ташқари тошбақа, қурбақа ва балиқларни ривожланиши устида ҳам иш олиб борган ва уларнинг ҳам ривожланиши эмбрион варақаларидан бошланшини кўрган. У биринчи бўлиб эмбриологияда солиштирма усулини қўллаган. Унинг фикрича эмбрионал ривожланиш бошлангич пайтида ҳамма ҳайвонлар бир —бирига ўхшаш бўлади. Кейинчалик баъзи бир органларнинг интенсив ўсиши натижасида балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, судралиб юрувчилар ва сут эмизувчиларнинг эмбрионлари бир —биридан фарқ қила бошлайди.

XIX аср биология тараққиётидаги самарали давр ҳисобланди. Бу даврда Ч.Дарвин яратган таълимоти ва қонуниятлари ҳаётий бўлиши учун уни

исботлаш ва эмбриологияда қуллаш зарурияти туғилди. А.О.Ковалевский ва И.И.Мечников биринчи бўлиб эволюцион эмбриология соҳасида иш олиб бордилар ва биология фанининг янги тармоғини очишга сабабчи бўлдилар. Улар купгина ҳайвонларнинг ривожланишини солиштириб, уларнинг келиб чиқишини исботлаб бердилар.

А.О.Ковалевский (1840—1901) 70 дан ортиқ ҳайвонларнинг эмбрионал ривожланишини тўлиқ ўрганиб чиқсан бўлиб, улар ичидаги ковакичли — гидросимонлар, сцифомедузалар, маржон полиплар, тароқлилар, игнатанлилар ва х.к.лар бор. Купгина эмбриологик тадқиқот ишлар ҳашаротлар ва хордали ҳайвонлар устида олиб борилган. Масалан, сальплар, асцидиялар куртакланиб кўпайиши ўрганилган. Унинг фикрича ҳайвонлар нерв системасининг шакллана бошлиши, тухумларни бўлиниши, ичакнинг пайдо бўлиши қўпчилик ҳайвонларда ўхшаш бўлади. А.О.Ковалевский пардалиларнинг эмбрионал ривожланишини ўрганиб чиқиб, уларнинг личинка даврида хордаси борлигини исботлади ва уларни хордали ҳайвонларга мансублигини кўрсатади. Унгача бу ҳайвонларни хордасиз ҳайвонлар деб ҳисоблаганлар. А.О.Ковалевскийнинг кўрсатмалари туфайли фанда ҳайвонларнинг бир —бирига яқинлигини аниқлаш мумкинлигини асослаб берилди.

И.И.Мечников (1845—1916) кўпроқ ҳайвонларнинг паразитик турларини: инфузорияларни,чувалчангларни, паразит медузаларни ва бошқа умуртқасиз ҳайвонларни ўрганган. Мечников Ковалевскийдан ҳар хил ҳайвонларнинг эмбрион варақаларини ўхшашлигини аниқлашни ўрганади. У ҳашаротларда ҳам ривожланиш пайтида эмбрион варақалари борлигини кўриб, Вайсманнинг ҳашаротларда ривожланиш пайтида эмбрион варақалари бўлмайди, деган фикри нотўғрилигини исботлади. И.И.Мечниковнинг кўпгина ишлари патологияга, яъни нотўғри ривожланишга, микробиология, иммунологияга бағишиланган. Мечников кўп хужайрали организмларнинг келиб чиқиш назариясини яратган, шунингдек, фагоцитоз усулини очган, қариш ва ўлиш масаласи устида ҳам иш олиб борган. И.И.Мечников ва А.О.Ковалевский ўзларининг ишлари билан эмбрион варақалари назарияси ҳамма ҳайвонлар дунёсига хослигини исботладилар, натижада бу назария биология фанида қонун бўлиб қолди. Уларнинг тажрибалари асосида солиштирма эмбриологияда ечилган масалалар Ч.Дарвиннинг яратган материалистик назариясига самарали ҳисса қўшди. Солиштирма эмбриология асосида йиғилган далиллар ҳайвоннинг онтогенезида, яъни пайдо бўлишдан бошлаб, то ўлишигача бўлган вақт ичидаги авлодининг тузилишини кўриш мумкин. Бу далиллар дан фойдаланган Э.Геккель ва Мюллерлар "Асосий биогенетик қонуният" ни яратдилар.

И. И. Мечников, А. О. Ковалевский, В. В. Зеленский, В. М. Шимкевич каби олимларнинг ишлари туфайли ҳайвонларнинг солиштирма ва эволюцион эмбриологияси фани яратилди. Ч.Дарвин назарияларини амалда қўллаган ва уларни кенг тарғибот қилган олимлар қаторида Ф.Мюллер ва Э.Геккелни ҳам

эслаб ўтиш мумкин. Ф.Млююлер (1821 — 1897) денгиз қисқибақасимонларнинг биологиясини ўрганиб чиқиб, Ч.Дарвиннинг табий танланиш қонуниятини тасдиқлади. Қисқибақасимонларнинг личинкаларини солиштирган Ф.Мюллер уларни эмбрионли даврида бир —бирига ўхшашлиги, катта организмга нисбатан кўпроқ бўлишини таъкидлайди. У тубан организмларнинг индивидуал ривож-ланишида баъзи белгилар қуи босқичда турган ҳайвонлар белгиларини такрорлашини ҳам кўради. Кейинчалик бу хусусиятни А.Н.Северцов "Ҳар қандай ҳайвонни онтогенези филогенезини такрорлайди" деган қонун билан бойитади.

Э.Геккель (1834—1919) Берлин атрофидаги Постдам шаҳарчасида туғилган. Табиатга бўлган қизиқиши ёшлигидан бошлаб унга онаси ва уйда дарс берадиган ўқитувчиши уйғотади. Геккель аввал медицина билимларини Берлинда, кейинчалик Вютцберг шағрида олган бўлсада, биологияга жуда қизиққан. У ҳайвонларнинг солиштирма анатомияси устида ишлар олиб борган ва шимолий денгиз фаунасини ўрганганди, умуртқасиз ҳайвонлар билан қизиқан. Геккель хужайраларнинг келиб чиқишини микро ва макро структураларини ва палеонтологик далилларни, ҳар хил ҳайвонларнинг филогенетик алоқаларини ҳам ўрганади. А.Н.Северцов Геккелга баҳо берар экан, "унинг энг катта ишларидан бири шуки, у Ч.Дарвиннинг "Турларни келиб чиқиши" деган китоби чиққандан кейин ҳайвонлар эволюцион шажарасини тузиш кераклигини тушуниб етган ва йифилган далиллардан фойдаланиб шу шажарани тузган" дейди. Геккелнинг бу эволюцион фикрларига қўп олимлар қарши чиқан бўлсаларда, бироқ ҳозирги даврда морфология ва палеонтологиянинг ривожла-ниши натижасида тўпланган далиллар Геккелнинг буюк олим эканлигини исботлаб берди ва 1866 йилда қилган ишларини тасдиқлади.

Э.Геккел ўзининг "Асосий биогенетик қонунийт"ни шундай тушунтиради: онтогенез қисқа ва тез равишда филогенезни такрорлайди, бу такрорланиш физиологик функцияларга, наслга ва мослашишга боғлиқдир. Геккелнинг хатоси шундан иборатки, у онтогенезда филогенезни фақатгина қайтарилади деган ва ҳайвонларнинг эволюциясидаги муҳим ўзгаришларнинг

аҳамиятини кўрсатиб бера олмаган. А.Н.Северцов ривожланишдаги ўзгаришлар-ни ўрганиб чиқиши натижасида ўзининг фильмбриогенез таълимотини яратди.

Геккел ўзининг биологик ва фалсафий қарашларида баъзи хатоларга йул қўйган бўлса ҳам у яратган назариялари фанда катта аҳамиятга эга. А.О.Кова-левский ҳамма ҳайвонларнинг ривожланишида эмбрион варақалар бўлишини аниқлагандан кейин Геккел бу варақаларга ном берди, яъни: эктодерма (сезув варақа), энтодерма (шилимшиқ варақа) ва мезодерма (тўқимали варақа), ҳозирги даврда буларни ташқи, ички ёки ўрта оралиқ варақалар дейилади.

XIX асрнинг 50-йилларига келиб эмбриологияда экспериментал методлар пайдо бўлди. Асосий тажрибалар амфибиялар тухум хужайралари

устида олиб борилди. Лекин тажриба ўтқазган олимларнинг натижалари ҳар хил бўлиб чиқди. В.Ру тадқиқотларида иккита ҳужайрали эмбрионнинг биттаси нобуд қилиниб бир-биридан ажратилмаса соғ қолган ҳужайрадан ярим ҳайвон пайдо бўлади. Бу ишнинг натижаси А.Вайсманнинг назариясини тасдиқлайди, яъни бўлиниш пайтида ҳар бир бластомер ўзига хос бошқа бластомерга ўхшамаган хусусиятга эга булади. О.Гертвигнинг экспериментал ишлари ҳужайрани ажратиб уни ривожланишини кузатишдан иборат эди. Ажратиш натижасида ҳар бир ҳужайра нормал организмни яратди, лекин бу организмлар икки баробар кичик бўлиб чиқди. Кремптон, Конклинг ва бошқа олимлар тухумнинг протоплазмасини ўрганиб, унинг структураси тухумнинг ҳар хил қисми бир-биридан фарқ қилганлигини топдилар ва бу ишлар ҳар бир бластомердан қандай орган келиб чиқишини аниқлашга олиб келди. Бластомерларнинг ривожланиши-ни кузатиш учун ҳар бир бластомерни нишон билан белгилаб ўргандилар.

Хозирги даврда эмбриологиянинг ривожланишида бошқа соҳаларни хизмати каттадир. Жумладан, биохимия, биофизика, гистология, гистохимия, молекуляр биология, молекуляр генетика, электрон микроскопия, авторадиография, микрохирургия ва бошқа соҳа методларининг қўлланиши натижасида кўпгина ютуқларга эришилди. А.О. Ковалевский, И.И.Мечников, А.Н.Северцов ва бошқа олимлар яратган классик эволюцион эмбриология янада ривож топмоқда. Бу борада - Москвадаги " Эволюцион морфология ва экология " институтининг олимлари муваффақиятли иш олиб борганлар. Академик М.С.Гиляров, Г.Д.Поляков, Ленинград университетининг олимлари проф. Б.П.Токин, К.М.Завадский, А.В.Иванова-Казас, Москва университетида эволюция эмбриология соҳасида ишлар олиб борган олимлар, проф. Л.В.Белоусов, А.Н.Северцов, эмбриология тарихи хақида кўпгина асарлар яратган проф. Л.Я.Бляхер каби олимларнинг эмбриологияга кўшган хиссалари жуда ҳам катта. Г.А.Шмидт, М.Н.Рагозина, Б.С.Матвеев, С.В.Боголюбский, С.М.Гиляров, Б.Л.Астроуров, М.С.Мицкевич, С.В.Емельянов каби олимлар ҳам эмбриология фанини ривожлантириш билан бирга, кўплаб малакали шогирдларни етиштиридилар. Бу шогирдлар хозирги кунда ҳам муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Олимлардан А.И. Опарин 1924 .йили, Холдейн 1928 йили Ерда ҳаёт қандай пайдо бўлганлиги ҳақида абиоген гипотеза яратдилар. Опарин ҳаёт пайдо бўлиши тўгрисидаги гипотезами яратишда Энгельснинг ҳаётга берган таърифи ҳамда ҳаёт пайдо бўлиши проблемасини қандай ҳал этиш бўйича кўрсатмаларига, шунингдек, астрофизика, астрохимия, реология, биохимия ва бошқа фан ютуқларини эътиборга олди. Академик Опарин ўз гипотезасида Ердаги ҳаёт бошқа планеталардан қўчиб келмаганлигини, балки материянинг миллиард йиллар давом этган ривожланиши натижаси эканлигини қайд қилди.

А.И. Опарин ҳаётнинг пайдо бўлишини таирибада ўрганиш мумкинлиги ғоясини биринчи бўлиб олға сурди. Дарҳақиқат С. Миллер (1953) тажрибада бирламчи Ер шароитининг моделини яратди. У қиздирилган метан, аммиак, водород ва сув буғларига электр учқуни та'сир этиб аспарагин, глитсин,

глутамин аминокислоталарини синтезлади (бу системада газлар бирламчи атмосферани, учқуни эса яшинни имитатсиялади).

Опарин фикрига кўра оқсил молекулалари коллоид бирикмаларни ҳосил қилган. Бу бирикмалар сувдан ажралиб турадиган консерват томчилари (коатсерватлар)ни ҳосил қиласди (лотинча коатсервус — қуйқа, қуюқ нарса маъносини англатади). Коасерватлар ўзига сувдан ҳар хил моддаларни бириктириб, бир-бирларидан тобора фаркланиб борган, уларда кимёвий реаксиялар кузатилган, кераксиз моддалар ажратилиб чиқарилган.

Коасерватларни тирик мавжудотлар деб аташ мумкин эмас. Кимвовий эволутсиянинг сўнгти босқичларида коасерватлар ўса бошлаган, моддалар алмашинишига ўхшаган тирик организмларга хос белгилар пайдо бўлган. Коатсерватлар мембрана билан ўрала бошлаган ва уларда бўлиниш хусусияти пайдо бўлган деб фараз қилинади.

Организм ривожланишининг босқичлари.

Эмбрионал давр тухум ҳужайрасининг оталанишидан бошланади ва уруғ униб чиқишигача давом этади.

Вегетатив йўл билан кўпаядиган ўсимликларда бу давр вегетатив куртак ҳосил бўлишидан то уларда ривожланишининг бошланишигача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Ювинил ёки ёшлик даврини И.В. Мичурин иккига бўлади. Биринчи даврда ўсиш жараёнлари устунлик қилиб, ўсимлик шаклланиб, ҳосил беришга тайёргарлик қўради. Иккинчи даврда эса ўсимликлар генератив даврда бўлади. Лекин зарур шароит етишмаслиги сабабли ҳосил бермайди. Кейинчалик уларда аста-секин ҳосил бериш қобилияти ошиб боради.

Етуклик ёки етилиш даври ўсимликларда гуллаш даврига тўғри келади. Вегетатив йўл билан кўпаядиган ўсимликларда эса кўпайиш (репродуктив) органлари (ғунча, илдиз, гул, туганак, пиёз) пайдо бўлишидан то бошқа органларнинг келиб чиқишигача ва янги муртакларнинг пайдо бўлишигача ўсимликни етилиш даврида бўлган деб ҳисобланади.

Кўпайиш даври мева ҳосил бўлишидан то ўсиш, ривожланиш, етилиш ва вегетатив йўл билан кўпаядиган ўсимликларда туганак, пиёз ва бошқа органларнинг пайдо бўлиши билан характерланади.

Қариллик даври — ўсимликнинг ҳаёт фаолиятини сусайиши, мева беришдан тўла тўхташи ва уларнинг табиий ўлиши билан характерланади. Бир ҳужайрали ўсимликларнинг ҳаётини даври кўпинча бир неча соатга тенг бўлади. Ўтсимон ўсимликларнинг кўпчилиги бир мавсум яшайди ва уруғ ҳосил қилиши билан ҳаёти тутайди. Баъзан кўп йиллик ўсимликлар кўп йил яшаб, кўп марта мева беради. Масалан, олча – 100, оқ акация – 250, терак – 300, наъматак – 400, қарағай – 600, қорақарағай – 1000, дуб ва тис – 2000, секвой бир неча минг йил яшайди.

Ҳар бир ҳайвоннинг онтогенези узлуксиз бўлиб кўринса ҳам ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Шунга асосланиб тадқиқотчилар ҳайвонларнинг онтогенезини даврларга бўлишни таклиф қиласдилар. Биринчи ва энг йирик бўлиниш эмбрионал даврлар ва туғилишдан кейинги

дavrлардир. К.М. Бэр (1937) фақат бошланғич онтогенезни, яъни паранданинг эмбрионал тараққиётини даврларга бўлган. Ривожланаётган жўжанинг қон айланиш системасининг ўзгариши даврларга асос қилиб олинган. Даставвал қон кислород билан сариқ халтачадан, кейинчалик аллантоисдан ва охири ўпкани таъминланади. Бу ўзгаришларнинг ҳар бири давр деб аталади.

В.В. Васнецов (1948) балиқларнинг ривожланиши мисолида онтогенезнинг йирик бўлакларини белгилаш учун давр тушунчасини киритган. У ҳар бир даврни балиқнинг онтогенезида овқатланиш усулини ўзгариши билан боғланган. Масалан, қизил кўз ва зогора балиқ онтогенези қуидаги даврлардан ўтади: эмбрионни сариқ модда ҳисобига овқатланиши; личинканинг харакатчан сув ости организмлари билан овқатланиши; личинканинг бентос ва сув юзасидаги ҳайвонлар билан овқатланиши.

Онтогенезни даврларга бўлишда қонни кислород билан таъминланиши ва овқатланиш усууллари ўзгариши асос бўлиши билан бир қаторда эклогик ва эволюцион ўзгаришларга қараб ҳам даврлари аниқланади. Ковак ичлиларнинг ҳаётий цикли асосида 6 та мустақил звенолар бўлади. 1 – муртак ҳосил бўлишидан олдинги давр (предзародышевое) бўлиб, бу вақт ичида жинсий хужайралар ривожланади. 2 – тухумнинг оталаниш даврида эмбрионал тараққиёт жараёни бошланади. 3 – туғилишдан кейинги даври (послезародышевое). Бу вақтда эмбрион ҳосил бўлгандан кейин маржон полипнинг тараққиёти натижасида унинг етук шакли ҳосил бўлади. Шу уч босқич билан полипнинг ҳаётий даври тамом бўлиши мумкин, лекин унда жинссиз кўпайиш жинсий кўпайиш билан конуний алмашиниб туради. Полипнинг жинссиз кўпайиши ҳам уч қисмдан иборат. Шунинг учун полипнинг ҳаётий ривожланиши давоми қуидаги бўлимлардан иборат. 4 – эмбрион ҳосил бўлгандан олдинги звено; 5 – жинссиз йўл билан (куртакланиб) ҳосил бўлган жинсли муртак; 6 – жинссиз йўл билан ҳосил бўлган, лекин жинсий йўл билан кўпаядиган муртакни ҳосил қилгандан кейинги звено (послезародышевое).

Иккинчи звено оталаниш билан ва туғилиш билан тугайди. Бу звено уч даврдан иборат: зародыш, предплод ва плод. Зародыш даврида нафас олиш усууллари уч марта ўзгаради. Олдин эмбрион варақаларининг устки хужайралари орқали нафас олинади ва бу даврда эмбрионнинг сариқ ҳалтаси пайдо бўлади. Кейинчалик зародыш сариқ халтачанинг қон томир системаси орқали нафас олади. Зародиш даврининг охирида нафас олиш аллантоис орқали амалга ошади. Бу билан биз эмбрионни бошланғич уч давр ичида кислород билан уч хил таъминланганини, яъни хужайравий ёки осматик йўл билан, шунингдек. Сариқ халта орқали ва аллантоис орқали нафас олганлигини кўрамиз.

Қопчиқли ҳайвонларнинг янги туғилган боласи предплод даврини бошланишига тўғри келади, лекин баъзи бир органлари ҳаётни давом эттириш учун мослашган бўлиб, яхшироқ ривожланган. Бу мослашаувларга оғиз, олдинги оёқ ва бўйин мускулларининг яхши тараққий этганлиги

киради. Предплод даврининг охирини ва плод даврини қоичиқли ҳайвонларнинг эмбриони қопчиода ўтказади.

Йўлдошли сут эмизувчи ҳайвонларнинг кичкина турларида ҳомиладорлик даври қисқа бўлиб, туғилган боласи эса характсиз, етилмагандир. Бу ҳайвонларда энг кўп вақт зародиш даврига тўғри келса, кейинчалик эса предплод даври ва энг қисқа вақт плод даврига тўғри келади. Зародишнинг предплод даврига ўтганлиги ундаги жабра аппаратининг ёпилиши билан аниқланади. Зародиш даври учун дастлабки органларнинг (трофобласт, сариқ халта ва аллантоис йўлдошлари каби) уч системаси хосдир. Предплод даврида аллантоис йўлдоши мураккаблашади. Айрим ҳайвонларда сариқ халта йўлдоши сақланиб қолади ва ёрдамчи вазифасини бажаради (қуёнларда, отларда).

Эмбрионнинг плод даврига ўтиши физиологик киндиқдаббасининг йўқолишига боғлиқ. Ҳар бир даврининг муддати ҳар бир ҳайвонга хос бўлиб, унинг физиологиясиغا ва экологиясиغا боғлиқ. Масалан, сигир ва одамнинг ривожланиш даврларини солиштириб кўрайлик. Уларнинг ҳомиладорлик муддати тахминан тенг (сигирда ўрта ҳисобда 280 кун, одамда 267 кун). Шунга қарамай бузоқ одам боласига нисбатан анча ривожланган ҳолда туғилади. Зародиш даврининг муддати одамда – 45 кун бўлса, сигирда – 34 кун. Плод даври одамда – 76 кундан бошланса, сигирда эса 62 кундан кейин бошланади. Одамда бу даврлар муддатининг нисбати қуйидагича бўлади: 45-30-192; сигирда эса 34-27-219 кун. Энг кам муддат предплод даврига тўғри келади, лекин ҳамма шаклланиш жараёнлари олдинги икки даврда содир бўлади. Бу даврларда бўлиниш жараёнлари, эмбрион ва рақаларининг ҳосил бўлиши, тери ва сезиш органларнинг асаб системаси, скелет, мускул ҳосил бўлиши, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш системаси, қон томир ва юрак, жинсий органлар ва ички секреция без системасининг пайдо бўлиши рўй беради. Плод давридаэса ҳосил бўлган органларнинг шаклланиши кузатилади. Бош ва орқа мия тузилиши мураккаблашади, сезиш ва ҳазм қилиш органларининг шаклланиши тугайди, жинсий система табақалашади, эмбрионнинг жинсини ажратиш мумкин бўлади ҳамда юз қисми маълум шаклга киради.

Плод даврида эмбрион органларининг вазни катталашади ва бу давр ҳисобига ҳомиладорлик даври узаяди. Яхши ривожланмаган, яъни жиши бола туғадиган ҳайвонларда плод даври қисқа бўлади. Масалан, каламушда ҳомиладорликнинг умумий даври 21 кун, шундан уч куни плод даврига тўғри келади. Қуёнларда эса 30 кунлик ҳомиладорлик даврининг 12 куни плод даврига тўғри келади. Бу ҳайвонларнинг зародиш даври эса —13 кун. Китларнинг ва туёқлиларнинг болалари йиртқич ва кемирувчи ҳайвонларнинг болаларига яхши ривожланган бўлади.

Ҳомиладорлик даври ҳайвонларнинг катта ва кичикилигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам боласининг етилиши ҳар хил бўлади. Сут эмизувчиларда ҳомиладорлик муддати 11 кундан (оппосумда) 666 кунгача (филда) бўлади. Каламушларда – 21 кун, типратиконда – 30, чўчқада – 112 – 120, шерда – 110,

кўйда – 150, итда – 59 – 63, тулкида – 63, макакаларда – 195, айиода – 200, одамда – 270, дельфинда – 300, сигирда – 240 – 311, отларда – 307 – 412, туяда – 390, ялқовда – 396, жирафада – 400, китда – 450 кун давом этади.

Баъзи ҳайвонларда ривожланиш диапауза орқали бўлади, яъни бластодермик пуфакча даврида эмбрионнинг ривожланиши секинлашади. Кўршапалакларда эса урчиш (осемениние) билан туғиши орасида 200 кун ўтади. Шунга қарамай ҳомиладорлик вақти уч ҳафтани ташкил этади. Кўршапалакларда урчишдан кейин уруғ бачадонда зарур вақтгача 4 – 5 ой сақанади. Баҳорда эса шу уруғ билан етилиб чиқсан тухум уруғланади. Елиқнинг (косуля) ҳомиладорлик даври 10 ойгача давом этиб, оталаниш август ойида бўлади. Боласи эса июнь – июль ойларида туғилади. Бу ҳайвоннинг тухум хужайраси уруғлангандан кейин январь ойигача бластодермик пуфакча даврида бўлиб туради. Кейинчалик ривожланиш табиий мўътадил ҳолатда 6 ой давом этади. Диапаузанинг муддати ташқи муҳит таъсирида қисқариши мумкин. Масалан, сувсарлар оиласига кирадиган ҳайвонларда диапаузали ривожланиш кенг тарқалган. Она организмида тухумларни бир неча вақт сақланиши эса ривожланиши секинлаштиради. Баъзи бир сувда ва қуруқулиқда яшовчи ҳайвонларни ёки судралиб юрувчиларни кўпайиш вақтида совук шароитда ўтказсан, у ҳолда тухум она организмида сақаниб тухум йўлларида ривожланади ва бу жараённи **тухумли тирик туғиши** дейилади (яйцеживорождение). Тухумли тирик туғадиган ҳайвонларда тухумдондан чиқсан тухумнинг сони тухумини ташқарига чиқарадиган ҳайвонларга нисбатан камроқ бўлади. Ола саламандрининг тухумида пуштнинг ривожланиши личинка давригача она организмида бўлади ва 14 – 72 личинкани тухум йўлларидан чиқаради. Қора саламандра эса Альп ва Карпат тоғларида денгиз сатҳидан 600 метрдан 3000 метргача тепаликдаги совук ерларда яшайдилар. Улар личинкани она шаклига еткунча тухум йўлларида сақлашлари натижасида фақат 2 та бола туғадилар.

Туғилгандан кейин ҳам онтогенез 5 даврга бўлинади. Бу даврларни одам онтогенези мисолида кўриб чиқамиз. Бола туғилгандан кейин 1 йил мослашув, яъни чақалоқлик даврини бошдан кечиради. Болалик даври 1 йилдан 15 йилгача, ўсмирлик даври 15 – 30 йилгача, етуклик даври 30 – 60 йилгача ва қарилек даври 60 йилдан кейинги умр ҳисобланади. Онтогенезнинг бундай даврларга бўлиниши организмнинг физологик ўзгаришларига асосланган. Одам онтогенезининг муддатлари фақат бош мия ўсиши ёки суякларнинг қотиши билангина эмас, балки бошқа органларнинг системаларида ҳам ўзгаришлар рўй бериши билан белгиланади. Масалан: ўпка, бронхлар, ўпка пуфагининг шаклланиши 7 йилгача давом этади. Талоқ эса 10 йилгача, ошқозон ости бези 11 йилгача, лимфатик безлар 12 йилгача, жинсий безлар 16–18 йилгача ривожланади. Бош миянинг ўсиши ва ривожланиши 30 йилгача давом этади.

Ҳайвонларнинг ҳаёт кечиришлари дарахтларга нисбатан унчалик кўп эмас, лекин уларда ҳам ҳаётнинг узунлиги кўпайиш билан боғлик.

Асалариларнинг эркаклари (трутенълар) оталантиришдан кейин бир неча секундан кейин ўладилар. Оталанган урғочи асалари эса 5–6 йил яшайди. Қисқа умрлиларнинг (поденкалар) личинкалик даври 3 йил давом этади. Лекин бу ҳашоратнинг етуклиқ даври эса бир неча соат давом этиб, улар тухум кўйгандан кейин ўладилар. Баъзи балиқлар умрида фақат бир марта кўпаядилар ва кўпайишдан кейин ўладилар (масалан, буқа балиқлар, угорсимон балиқар, лосослар). Лекин кўп ҳужайрали ҳайвонларнинг аксариятида ҳаёт узунлиги ва кўпайиш орасида ҳеч қандай боғлиқлик кўринмайди. Чунки қариндош гурухларга киравчи ҳайвонларлар турли яшаш муддатига эга. Масалан: ковакичлиларга киравчи актиния 50 йил яшаса, гидра 1–2 йилдан кўп яшамайди. Халқали чувалчанглардан зулук 25–30 йил яшайди, бироқ ёмғир чувалчангининг умри зулукдан 3 марта камроқ. Ҳажми катта ҳайвонларнинг умри кичикларга нисбатан кўпроқ бўлсада, лекин бунда ҳам аниқ боғлиқлик кўринмайди. Баъзи моллюскалар 100 ва ундан кўпроқ йил яшайдилар. Қурбақа–16, бақа–35–40, каптарлар–40–50, сичқон–5, товушқон–10, каламуш 2–3, от–30, сигир–20–35, шер–35, фил–100 йилгача яшайди.

Француз табиатшунос олим Ж.Бюфоннинг ҳисобига қараганда ҳаёт давомийлиги ҳайвоннинг ўсиш давридан 5–7 марта кўпроқ бўлар экан. Бу ўлчов универсал деб ҳисобланмаса ҳам кўп ҳолларда тўғри дейиш мумкин. Уни қўйдаги мисолда кўриш мумкин: ит 2 йил давомида ўсади ва 10–15 йил яшайди. Мушук 1–1,5 йилда ўсади ва 8–10 йил яшайди. Отлар 5 йилда ўсади ва 20–30 йил яшайди. Туя эса 8 йил давомида ўсиб 40 йил умр кўради.

Шу ҳисобларга асосланиб А. А. Богомолец, И. И. Шмальгаузен ва бошқа олимлар одам ҳаётининг табиий давомийлиги 120–150 йилгача давом этишини таъкидлаганлар. Одамнинг ўртacha ҳаёт узунлиги доимо бир хил бўлган эмас. Чунки инсон ҳаёти фақатгина биологик омилларга боғлиқ бўлиб қолмай, балки социал омилларга ҳам боғлиқдир. Масалан, Европада XVI асрда одамнинг ўртacha ҳаёти 21 йилга teng бўлган бўлса, XVII асрда–26 йилга, XVIII асрда–34 йилга, XX асрнинг бошида эса 50 йилга еткан.

Одам умрининг узун бўлиши мумкинлигини қўйидаги бир неча мисолларда ҳам кўришимиз мумкин. 1912 йилда Бородин майдонида Россия аскарлари ғалабасининг 100 йиллиги нишонланаётган пайтда мана шу урушда қатнашган Антон Винюков 128 ёшда эди. Василий Тишкун 1951 йилда 145 ёшга кириб ўлган бўлса, Махмуд Эйвазов 152 ёшда вафот этган. Одам ҳаётининг 207 йил давом этиш мумкинлигини хужжатлар орқали ҳам тасдиқланган. Англияда яшаган Томос Корне 1588 йилда туғилиб, 1795 йилда вафот этган.

Ўзгаришлар ва тиббиёт амалий ишларининг яхшилана бориши натижасида СССРда ўртacha умр кўриш узайиб бормоқда. Катта ёшдаги одамларнинг сони бўйича бизнинг давлатимиз дунёда биринчи ўринда туради. Японияда 1 млн. аҳолига 90 ёшгача етган 1 та одам тўғри келади. Бу кўрсаткич Англияда–6, Францияда–7, АҚШда–15, СССРда–104.

Мамлакатимизда узок умр кўриш бўйича Кавказ олдиндадир. Айниқса, Абхазияда кекса ёшли кишилар жуда кўп бўлиб, бу уларнинг яшаш жойлари, шароитларига, ҳавога, сувга ва меҳнат жараёнларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. А. Вайсманнинг «Эмбрион плазмаси назариясига» биноан эмбрион белгиларининг келиб чиқишида эмбрионнинг ёки тухумнинг плазмаси муҳум аҳамиятга эга. Бу плазмани Вайсман **жинсий ҳужайранинг хроматини** деб номлади. Унинг ҳар бир маълум бир тўқимани ёки органни келиб чиқишига сабабчи бўлади. Бу заррачаларни **детерминант** ёки **бўлажакни аниқловчи** деб атаган.

Тухум уруғлангандан кейин эса бластомернинг бири организмнинг ўнг томонини ҳосил қиласидан детерминантларга эга бўлади. Кейинги бўлинишларда ҳужайрага ҳар хил детерминантлар тушади, лекин детерминантларнинг сони ҳужайрада бир хил бўлади. Шундай қилиб, ҳар бўлинишда детерминантларнинг сони ўзгармаса ҳам сифати ўзгаради. Вайсман ўз назариясида ядронинг хроматинига фақат наслни ўтказувчи қобилиятидан ташқари улар организмнинг тузилишида ҳам муҳум аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди, бироқ улардан фарқи фақат тухумдаги миниатюр тайёр организм ўрнига олдиндан қандай организм ва органнинг келиб чиқишини аниқлайдиган хроматин билан ўрнини алмаштиради. Демак, ҳар қандай ҳужайрада уруғланишдан олдин ҳам қандай организмнинг ташкил топиши, шунингдек, ҳужайрани ҳар бир томонидан аниқ бир органни тузилишини аниқлаган. Вайсман ўзининг назариясида кўп хато фикрлар юритган бўлса ҳам, биринчи бўлиб ривожланиш пайтида жинсий ҳужайраларнинг ядросида ўзгаришлар бўлишини айтиб ўтган ва тажрибалар олиб боришга сабабчи бўлган.

XIX 80 йилларига келиб эмбронал ривожланиш процеслари кўп олимларни қизиқтира бошлаган ва улар ривожланишни экспериментал йўл билан ўргана бошлаганлар. Вайсманнинг назариялари эса бу ишларга қисман асос бўлган. Баъзи бир тажрибалар Вайсманнинг назариясини тасдиқлаган (acos В.Ру олиб борган ишлар).

XIX асрни охириларида ривожланиш тўғрисида фанда анча далиллар ийғилган эди. Ҳайвонларнинг умумий кўпайиш усувлари ва биогенетик қонуният каашф этилган. Бу қонуниятнинг мағзи— бир ҳайвоннинг онтогенезида паст босқичда турган ҳайвонларнинг ривожланиш усувларини такрорланиши кўрсатилади. Шу билан эмбриологик ривожланиш усувларини таъкидлашдан, уларни қандай бўлиб ўтишни аниқлашга ўтади. Шундай қилиб, фанда янги йўлланма — ривожланиш механикаси ёки экспериментал эмбриология пайдо бўлади. Бу фан ҳозиргача ёш фан ҳисобланади ва ўз олдига мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Ривожланиш механикаси эмбриологиянинг ҳамма соҳаси каби ўзининг тарихига эга. Бу соҳанингacosчиларидан бири В. Ру ҳисобланади. Бу олим ривожланишда сабабсиз, тасодифан ҳодисалар бўлишини тан олмас ва уни асосан шакл эмас, бу шаклга олиб келган сабаблар қизиқтиради эди. Ҳар қандай шаклга олиб келган фикрлар экспериментал йўли билан текширилар

эди. Уруғланган тухумда органларнинг дефференциация бўлиши, қайси йўл билан ривожланиши, тухумнинг ўзига ёки ташқи муҳитга боғлиқлигини текшириш ҳам уни қизиқтирган. Бу саволларга жавоб бериш эмбрионал тараққиёт босқичларини тушинишга олиб келади. К. Гегенбауэр, Э.Гекель, В. Прейер каби олимларнинг лекцияларини эшлиши В. Рунинг илмий қарашларига асос бўлди. У эмбриогенеза процессини хужайравий даражасида ривожланиш жараёнларини ўрганиш лозим, деб билади. Ядро бўлинганида, бластомернинг ҳар бири тенгсиз бўлинади деб тасаввур қилиб уларни кейинчалик бўладиган табақаланишни тушиниришга урунди. У хужайранинг табақаланиши ва уни бошқа бир факторларга боғлик бўлиши тўғрисида тушинча берган. Эркин табақаланишни ривожланишининг бошланғич босқичларида бўлади. Бошланган табақаланиш эса ривожланишнинг кейинги даврларида, яъни хужайралар ўзаро алоқага кириб, ташқи муҳит таъсирларига учраганда рўй беради. В. Рунинг биринчи тажрибалари хужайранинг детерминация бўлиш сабабларини аниқлашга бағишлиланган. У бу тажрибани қурбақанинг эмбрионида ўтказган.

1888 йилда В. Ру эмбрион иккита бластомерлик булган пайтда биттасини ^издирган нина билан улдирган ва тирик долган бластомернинг ривожланишини кузатган. Бу бластомер ривожланиш яримта эмбрионни яратган. Тажрибадан келиб чиодан хулоса шуки, эмбрионнинг ярим қисми хужайранинг ярмидан келиб чиқса, демак ииккинчи ярмida эмбрионнинг бошқа ярми бор. Кейинчалик бу тажриба нотўғри ўtgазилгани аниқланди. Тажрибани нотўғри томони эса бластомер жойида қолиб ривожланадиган сор бластомерга ҳалақит берилганлигига ва эркин ривожланишга тўсқинлик қилганлигига эди.

1895 йилда Эндерс уруғланган тухумни соч билан иккига бўлган ва ҳар бир бластомердан тўла эмбрион пайдо бўлишини кузатган. Шпеман (1902 — 1903) худди шу усул билан эмбрионни бластула ва гаструла даврларда бўлган. Агар бўлиниш ўртадан ўтса бу пайтда иккита тенг ривожланган эмбрион келиб чиқади. Агар бўлиниш пайтида бўлиш ўртада бўлмай, яъни иккига бўлинган хужайранинг биттасида ядро бўлиб иккинчисида эса бўлмаса, бу пайтда ядросиз ярим хужайра бўлинишни давом эттиrmайди. Ядролиги эса бўлиниб тўла организмни яратади.

Бу тажрибалар детерминация жараёни ривожланишининг бошланғич даврларида содир бўлмаслигини кўрсатади. Шпеман (1916—1918) ва унинг ҳамкаслари, ўқитувчилари амфибияларнинг ривожланишида тўқималарни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш устида тажрибалар олиб борганлар. Агар гаструляция жараёни бошланган пайтда бир бўлак тўқимани нерв система ҳосил бўладиган жойдан олиб қорин қисми ҳосил бўладиган жойга ўтказсан, нерв тўқимадан нерв тўқимаси ҳосил бўладиган қисмидан қорин қисми пайдо бўлади. Бундай бўлинишда нерв тўқима бошқа жойга ўтиб атрофидаги тўқималар таъсирида бўлажак хусусиятини йўқотади ва ўша ерга хос тукима бўлиб қолади. Худди шундай тажрибани гаструляциянинг охирги босқичида

ўтказсак, у ҳолда янги жойга ўтказилган тўқима хусусиятларини йўқотмайди ва қорин қисмига ўтказилган нерв тўқималар системаси келиб чиқади.

Бу тажрибадан келиб чиқадиган тажриба шуки, детерминация гастурляциянинг охирги ёки нейруляциянинг бошланғич босқичларида бўлиб ўтишини кўрсатади. Демақ, бу ривожланиш даврида тўқиманинг бўлажаги аниқланган ва уни ўзгартириб бўлмайди.

Фогт ривожланаётган эмбрионнинг тўқималарини бўяш усули билан қайси ҳужайралардан қандай органнинг келиб чиқишини кузатган. Бу тажрибада у бластомерларни гаструляция пайтида керакли ёки танланган томонига бир парча агар-агарни нейтрал қизил ёки нилий ҳаворанг бўёқлар билан бўяб танлаган жойга ёпиширган. Агар-агар билан қуйилган бўёқ ёнидаги ҳужайраларни бўяган. Шундай қилиб, Фогт бўялган ҳужайранинг қайси биридан қандай орган келиб чиқишини кузатган. Натижада призумтив харитани тузган, яъни амфибияларнинг бластуласини қайси томонидан қандай органлар келиб чиқишини ўрганиб, схема тузган (расм).

Ҳозирги даврда техниканинг ривожланиши ва илмий кузатишлар натижасида ҳужайраларнинг ядросини бошқа ҳужайрага ўтказиш имкониятлари туғилди. Бу усул билан қайси пайтда геномнинг ўтказувчанлиги пайдо бўлишини аниқроқ ўрганиш мумкин. Бластула пайтида ҳужайрадан ядрони олиб ривожланиши бошлаётган ҳужайрага ўтказсак, 90% тажрибада нормал организм келиб чиқади. Агарда бу тажрибани гаструляция ёки нейруляция пайтида ўтказсак, бу вақтда майиб (баъзи қисмлари етишмаган) организм пайдо бўлади. Бу тажрибалар катта амалий аҳамиятга эга. Масалан, эритробласт синтезланмайдиган организмнинг жинсий ҳужайрасига эритробластнинг яхши синтезлайдиган ҳужайрасининг ядросини кўчирсак, у ҳолда эритробластни синтезлайдиган организмни келиб чиқишини кўрамиз. Буни бластомерларни ва ядрони кўчириш тажрибалари орқали аниқланади. Организм қанча юқори даражада тараққий этган бўлса, унинг ҳужайралари шунчалик юқори даражада табақалашган бўлади. Бу хусусиятларни ҳужайра ва ядронинг трансплантацияси (кўчириш тажрибалари) орқали аниқланган.

Миксомецетнинг ҳар қандай ҳужайраларидан (тола ёки спора бўлинишидан қатъий назар) янги организм келиб чиқишини кузатамиз. Бу организм спора, тола ва базал дискасидан ташкил топади. Ҳайвонларда у эмбрион эмбрион варақаларидан ташкил топади ва ҳар бир варана ўзига хос органларни яратади. Ўсимликларни ривожланишида (эмбрион) муртак варақалари бўлмайди ва уларнинг ҳужайралари камроқ детерминацияланган. Лекин ўсимликларда ҳам ривожланиш пайтида ҳужайралар икки қисмга бўлинади. Уларнинг устки қисмини, яъни вегетатив ёки ер устида жойлашган қисмини юқорида жойлашган ҳужайралар яратади. Томир қисмини эса пастки ёки базал ҳужайралар ташкил этадилар.

Шпеман ҳайвонлар устида олиб борган тажрибаларда ривожланиши гаструляция даврининг охирида трансплантантларни бўлмаслигини исботлаган.

Бу хulosса ўсимликларга туғри келмайды, чунки ўсимликларнинг ҳар қандай даврида паренхима ҳужайраларидан бутун ўсимликни келиб чиқишини кўриш мумкин. Ф. С. Стюард ва уни хамкаслари ўсимликларнинг ҳужайраларини ажратишни айрим усулларини ва бу ҳужайраларни ривожланишга олиб келаётган моддаларни топганлар.

Эмбрионнинг бу даври гаструляция пайтига туғри келади. Моруланинг ёки бластуланинг гаструляция даврига ўтиши кўпинча бўлиниш орқали кузатилади. Лекин баъзи вақтларда бўлиниш бўлмай бластуланинг ҳужайралари харакатланиб жойини алмаштирадилар ва силжийдилар. Гаструллада аввал икки варақа юзага келади.

Устки варақа **эктордерма**, ички варақа эса **энтордерма** дейилади. Бу варақаларни келиб чиқиши морулада ва бластулада ҳар хил йўллар билан кузатилади. Бластуланинг гаструла даврига ўтиш йўллари — инвагинация, деляминация, иммиграция, эпиболия йўллари орқали кузатилади. Морула даврининг гаструлла даврига ўтиши қатламланиш орқали бўлади (деляминация). Қатламланиш пайтида ҳужайралар бараварига бўлиниб устки ҳужайралар эктордермани, ичкаридаги эса энтодермани ҳосил қиласилар. Агарда қатламланиш моруланинг анимал қисмида бўлса, бу пайтда бўлинган ҳужайралар тухумнинг вегетатив қисмидаги катта ҳужайраларни устидан пастга силжиб ўраб оладилар (эпиболия). Шу билан устки ҳужайралар эктордерма, катта ички ҳужайралар эса энтодерма қаватини ташкил қиласилар. Бўлиниш дискоидал ёки сиртқи бўлган бўлса, бу пайтда зародиш варақалари диск (гардиш) икки қаватга бўлиниши орқали ёки четларининг интенсив кўпайиши билан унинг пастга тарқалиш натижасида иккинчи варақани ташкил қиласилар. Бу хилдаги гаструляция парандалар тухумини ривожланишида учрайди.

Икки қатламли эмбрион пайдо бўлгандан кейин ҳужайраларнинг бўлиниш усуллари, бўлинишнинг синхронлиги ўзгараади. Кейинчалик эктордерма ва энтодерма орасида мезодерма юзага келади. Бу варақанинг келиб чиқишида энтодерма ва эктордерма иштирок этади. Шунинг учун мезодермадан келиб чиқсан органлар энтодермага қараганда нисбатан мураккаброқ.

Эктордерма ҳужайралари эмбрионнинг устки қисмини қоплаган бўлиб, икки томонлама ривожланадилар. Бу ҳужайралардан устки эпителий ва бутун нерв системаси келиб чиқади. Қопловчи эпителийдан ташқари бу варақадан сезув органлари, тери безлари, тишнинг эмали ёки устки қоплами, соч ва ҳокозо органлар пайдо бўлади. Энтодерма ҳужайралари ичак ва ошқозон эпителий тўқималарини ҳосил қиласилар. Бу ҳужайралардан жигар ва ошқозон безлари пайдо бўлади. Хордали ҳайвонларда энтодермадан нафас олиш органлари (жабра) ва ўпка эпителий тўқималари ҳосил бўлади.

Мезодермадан органларнинг мускул тўқималари, бириктирувчи тўқима, сучяк ва тоғай тўқималари, қон ва жинсий системалари ҳосил бўлади. Мезодерма ривожланиши натижасида бир тўп мезодерма тўқималарини ва организмнинг ҳар хил жойларида тарқалган мезенхима

тўқималарини ҳосил қиласди. Хорданинг келиб чиқиш тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Ҳозиргача ҳамма дарсликларда хорданинг келиб чиқишини энтодермага боғланмоқда, яъни бу орган бирламчи ичакнинг устки томонидан айрилиб чиқади дейилмоқда.

Н. П. Наумов ва Н. Н. Карташев (1978) хорданинг энтодермадан ҳосил бўлишини тушинтириб, умуртқа погонаси хордадан келиб чиққанини айтганлар. Умуртқали ҳайвонларнинг склет ва мусқул тўқималари эса мезодермадан ҳосил бўлади. Дж. Гексли ва Г. Де Бэр (1936) хордани гаструляция пайтида белгилаш усули билан текширган эдилар. Хорда ва мезодерма бластопорга кириб ичакнинг устки томонига жойлашган ҳужайралардан ҳосил бўлганлигини аниқладилар. Хорда ва мезодерма гаструляция пайтида ҳужайралари биргаликдат ичкарига ботиб киради. Шунинг учун бу ҳужайраларни ажратиш қийин бўлгани учун бу тўқимани барча олимлар китобларда хордамезодерма деб биргаликда ёзадилар. Л.В.Белоусов (1980) эмбрионнинг ўрта қисмида хордамезодерма тўқима тўпламидан хорда пайдо бўлиши ва унинг ёнларида сомитлар жойлашиши ҳақида айтган. Белоусов хорда тўғрисида И.Гофмesterнинг экспериментал ишларини мисол қилиб хорда ва мезодерма тўқималари организмни бошқа ерларига эксплантация қилинса, тўқиманинг ўзгарувчанлиги рўй беришини исботлаган. Шу билан бу тўқималарнинг яқинлигини аниқлаган.

С.Тайвонен (1963) хорданинг ҳосил бўлишини батафсилроқ ёритади. Нерв системаси ҳосил бўлишида мезодерма варақасида ҳам ўзгарувчанлик рўй бериб, бу тўқима уч қаватга ажралади: хорда қавати, сомит ва ён пластинкаси. Бу ажралиш пайтида хорданинг ҳужайралари мезодерма ҳужайраларидан фарқ қилмайди, лекин кейинчалик бу тўқима юмалоқ формали узун органни ҳосил

қиласди. Хорданинг ҳужайралари ичига суюқ моддани йигиб шишади ва катталашади. Натижада ҳужайранинг цитоплазмаси ва ядрои уни ён томонига силжиган бўлади. М. Зусман (1977) хордани мезодермадан ҳосил бўлишини аниқ тушинтиради (расм). Мезодерма узунасига уч қисмга бўлинади: урта қисм, хорда ва иккита ён тўқима қисм.

Хорда мезодермадан келиб чиқсан. Зародиш варақаларидан қандай органларнинг келиб чиқишини умумий схемада характерлаш мумкин: эктодерма ҳосил қилган органлар зародишни ҳимоя қилишга ҳизмат қиласди; энтодермадан бўлган органлар безлик органларини яратади; мезодермага доир органлар таянч, организмнинг шаклланиш қисмларини ташкил қиласди. Таянч органига хорда ҳам киради. Зародиш варақлар ҳосил бўлиши билан ривожланишда оргоногенез, яъни органларнинг ҳосил бўлиши ёки марфологик тузилиш даври бошланади. Натижада ҳар бир варақага тегишли органлар ҳосил бўлади.

Ҳужайра ва органларнинг ўсиши. Баъзи бир ҳужайраларнинг митотик бўлиниши ўсимликларда ва ҳайвонларда умрбод давом этади ва бу жараён натижасида организмни ўсиши кузатилади. Балиқларда ўсиш умрбод давом этиши мумкин. Лекин сут эмизувчиларда ривожланишнинг аниқ бир даврида

ўсиш тўхтайди. Нематодлар ва кроловраткаларда организмнинг хужайра сони кўпайиши эртароқ тўхтайди. Хужайралар ривожланиш пайтида табақалашмаган ҳолатдан юқори табақалашган ҳолатга ўтади. Ўсиш хужайравий, тўқимали, органли ва организм даражасида бўлади. Органлар ва организм қисмларини ўсиши бир —биридан фарқ қиласиди. Шунинг учун шаклланиш кузатилади ва бундай ўсиш мослашишга олиб келади. Ҳайвонларда ривожланиш пайтида энг аввал оғиз аппарати ва қўли итенсив шаклланади ва ўсади, бироқ қолган қисмлари секин ривожланади. Бундай ривожланишнинг сабаби эса уларнинг эмбрионни бачадонда оз вақт сақланиб қопчиқга ўтиши ва эмишга киришишидир. Организмларнинг бир текисда ўスマганлигини қўшоёқ ва қумсичқоннинг эмбрионал ривожланиш даврида қўл ва оёғи ривожланишида кўриш мумкин. Бу иккала ҳавон чўл ва қумларда қийин шароитда яшашга мослашган. Лекин бу шароитга ҳар хил мослашганлар. Қумсичқон асосан колониал ҳолатда яшайди ва инидан узоққа кетмайди. Қушоёқ эса ягона яшайди ва овқат ахтариб инидан узоққа кетади. Иккала туб ҳайвон инда яшашлиги сабабли яхши ривожланмаган эмбрионни туғадилар ва уларда бўғозлик даври 24 кун давом этади. Уларда қўллар бир даврда оёқ эса кейинчалик пайдо бўлиб тезроқ ўсади. Оёқнинг қўлдан узунроқ бўлиши қўшоёқда предплод даврига тўғри келса, қумсичқонда эса плод даврига тўғри келади. Туғилиш пайтида қўшоёқнинг қўли ва оёғининг кўриш нисбати 9: 16,5 мм, қумсичқонники эса 13: 14 мм. Етук ҳайвонларда бу кўрсаткич 50:180 ва 100:110 мм га tengdir.

Организмнинг онтогенезида ҳар қандай ўсишини график асосда кўриш мумкин. Агар абсцесса ўқида вақтни белгиласак, ордината ўқида организм ҳажмининг ортиб боришини қўйсак, у ҳолда биз ҳамиша S графикка эга бўламиз. Бу графикка организмнинг оғирлигини, ҳажмини ёки хужайра сонини ўзгаришини, шунингдек, бошқа ўсиш факторларини ва вақтини қўйсак ҳам ҳамиша бир хил натижага эга бўламиз. Ривожланишдан олдин бир хил кўрсаткичда бўлади. Кейинчалик ўсиш бошланади ва бу жараённи чегараланганилиги сабабли ўсиш секинлашади ва ҳамда тўхтайди. Организмнинг баъзи бир органларида хужайраларни ўсиши давом этади, лекин бу хужайралар алмашиши ёки ўлиши натижасида организмнинг умими ўсиши содир бўлмайди. Худди шундай графикни микроорганизмлар популяцияларида — аччитқичларда кўришимиз мумкин. Бу организмларнинг аниқ бир сонини петри идишига ва унга қўйилган озиқа муҳитига солсак, бу шароитда аввалги микроорганизмлар мослашиши даврини ўгказиб сўнг, интенсив кўпайиш рўй беради. Маълум вақтдан кейиш микроорганизмларнинг кўпайиши тўхтайди. Шу популяциядан бир нечта организмни олиб бошқа шароитга қўйсак, қуйидаги жараён тақорланади. Агар яшаш шароитни ҳисобга олиб озиқа ва кислород концентрациясини кўпайтирасак, кўпайиш жараёнини давом эттиришимиз мумкин. Агар бу моддаларни концентрациясини камайтирасак, кўпайиш жараёни эртароқ тўхтайди. Кўп хужайрали организмнинг органлари ва қисмлари бир текисликда ўсмайди. Илдиз, поя ва сочни ўсиши кўпайиш зonasининг

чегарасига боғлиқ. Нерв ҳужайралари кўпайиш хусусиятини йўқотганлар, лекин кесилган нерв толалари тикланиш хусусиятига эга. Демак, организмнинг ўсиш тезлиги уни табақаланиш даражасига боғлиқ бўлса керак. Юқори даражада табақалашган ҳужайралар ва тўқималар секин, кам табақалашган тери, ичак, ошқозон эпителий ҳужайралари тез ўсадилар ва умрбод кўпаядилар.

Ўсишни чегаралайдиган факторларга озиқ — овқат ва ирсий хусусиятлар киради. Ўсаётган организмнинг ҳажми организмни қоплаётган қобиққа нисбатан тезроқ кўпаяди. Шунинг билан қобиқ ва ҳажм орасида тенглик йўқолади. Қобиқ ҳажмини озиқ модда ва кислород билан таъминлай олмайди. Натижада алмашув процеслари бузилади ҳамда тенгликни сақлаш учун ҳужайра бўлинишга мажбур бўлади. Бўлиниш бўлмаслиги учун ҳужайра бир меёрда сақланиши керак. Шунинг учун ҳайвонларнинг ҳужайралари нисбатан бир тенгликда бўлади. Лекин бир организмда жойлашган гаплоид ҳужайралар майдада бўлади (полиплоид ҳужайралар диплоид ҳужайраларга нисбатан катта бўлади). Ҳужайранинг катта — кичиклиги унинг ядросига ва хромосомаларига боғлиқ.

Ҳужайранинг ўсиш фактори унинг бўлиниши, хромосоманинг ажралиши катта аҳамиятга эга бўлиши билан бирга ҳужайранинг кичик молекуляр бирикмаларини, аминокислоталарни, витаминаларни ва бошқа моддаларни тенг иккига ажралиши муҳум жараёнлардан бири ҳисобланади.

Ерда ҳаётнинг пайдо булиши.

Хозирги вактда Ерда мавжуд барча органик моддалар биоген йўл билан, яъни тирик организмларда содир бўладиган фотосинтез ва хемосинтез натижасида вужудга келган. Ҳаётдан ном-нишон бўлмаган кадимги даврларда эса бундай моддалар абирхен йўл билан пайдо бўлиши табиий бир ҳол эди.

Опарин гипотезасига мувофиқ, Ерда ҳаёт пайдо бўлиши бир неча босқичга бўлинади. Биринчи босқич ҳакикатан ҳам Ернинг тарихий ривожланишида рўй бсрғанлигини радиоастрономия потуклари асосида билвосита исботлаш мумкин. Кейинги йилларда олинган маълумотларга кура, юлдузлар оламида углероднинг хилма-хил бирикмалари, айникса, формальдегид, циан ва унинг махсулотлари кўплаб учрайди. Бу маълумотларнинг ўзи органик моддалар абиоген йўл билан вужудга келиши мум-кинлигини ва бу жараён фактат ҳаёт пайдо бўлгупча эмас, ҳатто Ер ва бошқа сайёralар шакллангунча ҳам рўй берганлигини исботлайди^AШу пуктаи назардан олганда, Ой, комета, айникса, метеоритларни ўрганиш дикқатга сазовордир. Уларда учрайдиган углерод бирикмаларини тадқиқ этиш, кадимги даврларда химиявий эволюция қандай йўналишда борганлигини аниклашга ёрдам берди. Қосмик кемалар ва станциялар ёрдамида Ерга олиб келинган Ойдаги жисмлар намунасини ўрганиш, уларда оз микдорда органик моддалар борлигидан далолат берди. Органик моддалар, айникса, кўмирсимон хондритлар номини олган метеоритлар хилма-хил органик бирикмаларга, жумладан, аминокислоталарга ва хаёт учун

зарур бўлган бошка моддаларга бой. 1968-1969 йилларда радиоспектроскопия ёрдампда юлдузлар орасида органик моддалардан формальдегид ва аммиак борлиги аниқланди. Умуман олганда хозирги вақтда Галактикада аммиак, сув, формальдегид мавжудлиги узил-кесил ҳал этилган. Ахир Қуёш сатҳидаги температура 6000° эканлиги ва коинотда ҳаёт учун хавфли ультрабинафша, рентген . нурлар, электр зарядлари кўплиги эътиборга олинса, кайд қилинган органик моддалар абиоген йўл билан вужудга келган-лигига щубҳа килмаса ҳам бўлади (23-расм).

Органик моддаларнинг абиоген усулда пайдо бўлиши факат назарий жиҳатдан эмас, балки амалда ҳам исботланди. Масалан, америкалик олим Миллер дастлабки Ер атмосферасида кўпроқ учраган деб тахмин қилинган аммиак, метан, водород ва сув буғинн шиша колба ичига жойлаштириб, ундаги темпера-турани 80° га етказиб, аппаратнинг кепгрок қисми деворларига қавшарланган электродлар орқали электр зарядлари берилса, колбадаги суюқликнинг ранги ўзгариб, аминокислоталар ва бошка органик моддалар ҳосил бўлганлигини аниклаган.

Олимлардан Павловская ва Пасинекийлар юкоридаги газлар аралашмасидаги водород ўрнига углерод оксидни қўйдилар ва уларга ультрабинафша нурлар таъсир эттириб, аминокислоталар олишга муваффақ бўлдилар. Эйбелъсон метан, аммиак, водород, сув буги, углерод оксида, карбонат ангидрид, азотдан иборат газлар аралашмасидан аминокислоталар ҳосил бўлишини исботлади. Дозе ва Раевский бундай дастлабки газлар аралашмасига рентген нурлари таъсир эттириш орқали ҳар хил аминокислоталар олиш мумкинлигини кўрсатдилар.

Ер планетаси таркибида қадимги замонда углеродларнинг металлар билан бирикишидан ҳосил бўлган карбидлар кўплаб учрайди. Афтидан, Ернинг марказий ўзаги темир, никель ва кобальтнинг углерод билан қўшилишидан ҳосил бўлган карбидлардан иборат бўлса керак. Эҳтимол, бундай карбидлар Ернинг ривожланиши тарихининг маълум даврларида юза жойлашгандир. Д.И. Менделеев карбидлар сув билан бирикиши натижасида углеводородлар ҳосил бўлишини кўрсатиб ўтган эди. Шундай қилиб, ҳаёт пайдо бўлишидаги **биринчи босқич** турли моддаларнинг химиявий эволюцияси натижасида оддий молекулалардан иборат органик моддалар пайдо бўлиши билан изоҳланади.

«Майда органик молекулалар пайдо бўлиб, ривожлангандан сўнг, кейинги ҳар хил ҳосса ва тузилишга эга полимер бирикмаларни ҳосил этиш билан боғлик мухим **иккинчи босқич** бошланади. Япония олими Акаборининг тахминига кура, дастлабки оқсиллар синтези учун тайёр аминокислоталар бўлиши шарт эмас. У лаборатория шароитида формальдегид, аммиак ва водород цианид аралашмасидан олдоқсил моддалар вужудга келиши мумкинлигини аниқлади.

Ҳаётнинг моҳияти, унинг хилма – хиллиги, келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганиш биология фанининг энг мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги замон биологиясининг қўлга киритган

ютуқларига асосан , ҳаётнинг энг муҳим фундаментал хусусиятлари деб қуидагиларни эътироф этиш мумкин:

- ўз – ўзини янгилаш (моддалар ва энергия алмашинувига боғлиқ)
- ўз – ўзини ҳосил қилиш (бир – бирининг ўрнини эгалловчи биологик системаларнинг алмашиниши, ахборот оқимига боғлиқ)
- ўз – ўзини идора қилиш (моддалар, энергия ва ахборот оқимига боғлиқ)

Креационизм (лот. креатио - яратиш) — турларнинг ўзгармаслиги, организмларнинг муайян мақсадда хилма-хил қилиб яратилганлиги тўгрисидаги гайриилмий таълимот. Креатсионизм тарафдорлари фикрича турларнинг ташқи ёки ички омиллар таъсирида ўзгариши чекланган; улар яратувчи томонидан қанча яратилган боғлса, шунча сақланиб қолган. Креатсионизм та’лимотини палеонтология асосчиси Георгес Сувиер, ўсимлик ва ҳайвонлар систематикасини ишлаб чиқкан олим Карл Линней каби олимлар ҳам қувватлашган. Креатсионизм тарафдорлари қадимги геологик даврдаги ва ҳозирги турлар ўртасидаги фарқни тушунтириш учун ҳалокатлар гоясини илгари сурган. Бу таълимот асосчиси Сувиер фикрича, Ер юзидаги о‘симлик ва ҳайвонлар бир неча марта қирилиб кетиб, қайтадан вужудга келган ва ҳар гал аввалгисига нисбатан мураккаброқ формалар пайдо боғлган.

Чарлес Дарвин эволутсион таълимоти яратилгандан сўнг креатсионизм ўз мавқеини ёқотди. Дарвиндан кейинги даврда эволутсия кечишини исботловчи далиллар топилганидан со‘нг айрим креатсионизм тарафдорлари ўз дунёқарашини ўзгартиришга мажбур бўлишди ва теистик эволутсия деган таълимот яратишиди. Теистик эволутсия тарафдорлари турларнинг о‘згариши ва одамнинг пайдо бўлиши тўгрисидаги эволутсион назарияни инкор қилишмайди, лекин инсонга ақл-идрок ва руҳий фаолиятни яратганинг ўзи берган деб тушунтиришади

Панспермия - (др.-греч. πανσπερμία —барча уруғлар аралашмаси, от πᾶν (пан) — «барча» и σπέρμα (сперма) — «уруғ») Тирик хужайраларни космик фазо орқали сайёрадан-сайёрага кўчиб юриши мумкинлиги ва Ердан ташқарида ҳам ҳаёт мавжуд бўлиши эҳтимолини илгари сурувчи назария. Бу назариянинг тарафдорлари машҳур швед физик олими, Нобел мукофоти нсовриндори С. Аррениус, рус олими В.И. Вернадский, машҳур америка биофизиги ва генетиги , Нобел мукофоти совриндори Ф. Крик ва бошқалардир. Бу олимларнинг фикрига қўра ҳаёт Ерда пайдо бўлмаган, бошқа сайёralарнинг ерга метеоритлар орқали ёки ёруғлик нурларининг босими таъсирида келиб қолиб, қулай шароитда , оддий организмлардан тортиб мураккаб организмларгача ривожланган.

Рус ва Америка космонавтларининг космосда ўтказган тадқиқотлари бизнинг Қуёш системамиз чегарасида ҳаёт заррачаларининг мавжудлиги тўгрисида ижобий маълумотлар олишга имкон бермади. Космик бўшлиқда бактерия споралари, Ойдан келтирилган тупроқда ҳаёт шакллари топилмади, метеоритларда ҳалигаса биронта ишончли “ҳаёт излари” топилмади.

Америкалик олимлар лабораторияда Марс сайёрасининг шароитини сунъий яратишига муваффақ бўлишиди. Сув буғлари, метан, аммиак, углерод оксидлари аралшмаларига тупроқ ва чанг ҳолидаги шиша иштирокида ултрабинафша нурлари таъсир эттирилди ва оддий органик бирикмалар олишга муваффақ бўлинди. Марс атмосферасида эркин азот бўлмаслиги натижасида, аминокислоталар синтезланниши имконияти йўқ.

Ҳаётнинг ўз – ўзидан пайдо бўлиши ҳақидаги тушунчалар қадимги Хитой, Вавилон ва Мисрда кенг тарқалган эди. Машхур Аристотел ҳам бу фаразнинг тарафдори бўлган. ХВИИ асрнинг 2- ярмигача организмлар ўз аждодларидан биогенез йўли биоан ҳосил бўлишидан ташқари қулай шароитда анорганик моддалардан абиогенез йўли билан ҳам пайдо бўла олади деган тасаввурлар мавжуд эди. Масалан, тимсоҳлар балчиқлардан , арслон ва йўлбарслар сахро тошларидан, сичқонлар кир кийимлардан ҳоил бўлиши мумкин деган афсонавий тасаввурлар кенг тарқалган эди.

1688 – Италия олими Ф.Реди тажрибада ҳаётнинг ўз – ўзидан пайдо бўлмаслигини исботлаб берди. Ф.Реди гўштни ёпиқ идишга солиб қўйганида пашшалар кира олмаганлиги учун унда личинкалар пайдо бўлмади. Лекин бҳаётнинг ўз – ўзидан пайдо бўлиши тарафдорлари идишга ҳаво кирмагани сабаб шундай бўлди, деб уни танқид қилдилар. Шунда Реди гўшт солинган идишларнинг айримларини очиқ қолдириб, бошқаларини дока билан ёпиб қўйди. Дока билан ёпилган идишларда личинкалар пайдо бўлмади, очиқ идишлардаги гўштда эса сон –саноқсиз личинкалар пайдо бўлди. XIX аср ўрталарида франсуз олими Луи Пастер колбада микроорганизмлар кўпаядиган озуқа суюқлигини узоқ вақт қайнатди. Колба очиқ қолдирилганда унда бир неча кундан кейин микроорганизмлар кўпайиши кузатилди (унга бактериялар ва уларнинг споралари тушиши натижасида). Кейинги тажрибасида Л.Пастер суйкуликка микроорганизмлар ва уларнинг споралари кирмаслиги учун Симон шаклдаги шиша найчани бириктириб қўйди. Микроорганизмлар споралари ингичка эгилган найча деворида ўтириб қолади ва колба ичига ўта олмайди. Яхши қайнатилган суйкуликда микроорганизмлар ўлганлиги, унга ташқаридан янгиларининг кира олмаганлиги натижасида микроорганизмлар пайдо бўлмайди. Ҳаётнинг биокимёвий эволютсияси тўғрисидаги концепсия XX асрнинг 20-30-йилларида шаклана бошлади. Бу назарияга кўра Ернинг илк ривожланиши даврларида ундаги иқлим шароитлари ҳозирги замондагига нисбатан жуда катта фарқ қилган. Бундай шароитда аввал оддий органик бирикмалар абиоген усулда синтезланган ва аста-секин кимёвий эволутсия натижасида мураккаблашиб, энг оддий ҳаёт шаклларига айланган ва ундан кейин биологик эволутсия бошланган.

Гетеротроф микроорганизмлар янги ҳосил бўлган органик моддаларни дарров парчалаб ташлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ҳаёт янгидан келиб чиқиши мумкин эмас. Ерда ҳаётнинг келиб чиқиши учун зарур бўлган иккинчи шароит бирламчи атмосфера таркибида кислород бўлмаслигидир. Чунки кислород бўлса у янги ҳосил бўлган органик моддаларни парчалаб

ташлаган бўлар эди. Табиатшуносар фикрига кўра Ер бундан тахминан 4,5—5 миллиард йиллар олдин пайдо бўлган. Дастреб Ер чангсимон ҳолатда, ҳарорати жуда юқори ($4000-8000^{\circ}\text{C}$) бўлган. Аста-секин совиши жараёнида оғир элементлар сайёрамизнинг марказига, енгилларлар эса периферик қисмига жойлаша бошлаган.

Ерда энг қадимги оддий тирик организмлар тахминан 3,5 миллиард йил аввал пайдо бўлган деб тахмин қилинади. Ҳаёт аввал кимёвий, кейин эса биологик эволутсиянинг маҳсулидир.

Кимёвий эволюция Ернинг бирламчи атмосфераси таркибидаги H, X, C, O ўзаро реаксияга киришиб аммиак, метан, углерод оксидлари, водород сулфид, сув бугиари каби оддий органик бирикмаларни ҳосил қилган. Дастребки жуда кам миқдордаги эркин кислород бирикмалар таркибига кириб тамом бўлган. Биологик мономерлар абиоген усулда синтезланган. Ернинг совиши натижасида бирламчи океанлар ҳосил бўлган. Сувдаги кислород ҳисобига оддий органик бирикмалар оксидланиб спиртлар, алдегидлар, аминокислоталар ҳосил бўлган, бирламчи океан мураккаб органик моддалар билан тўйиниб бробган.

2-Мавзу: Тирик организмларнинг асосий биополимерлари оқсил, нуклеин кислоталари. Транскрипция, трансляция ва оқсил биосинтези.

Режа:

1. Тирик организмларнинг асосий биополимерлари оқсил, нуклеин кислоталари.
2. Нуклеин кислоталари ва уларнинг тузилиши, функцияси
3. Оқсиллар биосинтези. Транскрипция ва трансляция.

Биологик ривожланиш - ҳаёт бошлангандан бери ,ҳаётнинг турли кўринишлари ҳар доим ўрганиб келинган. Бу жараёнлар асосан биокимёвий ўзгаришлар билан белгиланган. Шунга кўра ҳаётнинг турли формаларини тушунтиришда биокимёнинг асосий ўрин тутиши қўрсатиб берилган.

Ер юзида дастребки кимёвий реактсияларнинг қуидаги турлари мавжуд бўлган:

1. Кислотали - ишқори реактсиялар бўлиб унда водород протони бир молекуладан бошқа молекулага кучиш билан содир бўлган.
2. Оксидланиш ва қайтарилиш реактсиясида электронлар молекуладан молекулага ўтган.
3. Асосий рол ўйнаган кимёвий реактсия фосфордан фойдаланиш билан боради. Фосфат бирикмасида энергия ҳосил бўлади.

Оқсиллар хужайрада бошқа бирикмаларга (химиявий компонентларга қраганда кўпжараёнларда хилма-хил функцияларни бажарадилар. Ҳамма протеинларнинг структура элементлари бир хил аминокислоталардан иборат булса хам, уларнинг оқсил малекуласидаги нисбий миқдорлари ва жойланиш уринлари турличадир. Куп минглаб оқсилларни систематик ва мантикий классификацияси уларнинг химиявий структурасига

асосланган булиши керак. Аммо бу вазифа жуда мушкул ва хозирча бажарилиши мумкин булмагани учун, классификация соддарок принциплар — уларнинг функцияси, келиб чикиши, жойланиши, эриш хусусияти содда ёки мураккаблиги асосида тузилган. Протеинлар бажарадиган функциялар факат оқсил молекулалари учунгина хос булиб, аксари такрорланмасдир. Энг мухимлари куйидагилар:

1. Катталик функцияси — шу вактгача кашф этилган барча биологик катализа-торлар — ферментлар оқсиллардир. Бир хужайрада уларнинг сони 2000 дан ортик. Бу функция факат оқсиллар учунгина хосдир.

2. Эхтиёт озика моддаси сифатида оқсиллар чегараланган микдорда конда, баъзи тўқималарда, куп микдорда усаётган хомилада, усимликлар донида, тухумда ва сутда булиб, зарур булган шароитда сарфланадилар.

3. Транспорт функцияси — конда кислородни ташиш тамомила оқсил — гемоглобин томонидан бажарилади. Протеинлар конда липидлар, баъзи гормон-лар, витаминалар, металл ионлари билан комплекс хосил килиб, уларни тегишли тўқималарга етказадилар.

4. Куриклаш функцияси — барча иммун таналар оқсиллардир. Улар организмга кирган бактерияларни, ёт оқсилларни юксак специфилл бошка билан боғлайдилар, парчалайдилар, заарсизлантирадилар.

5. Кискариш функцияси — Мускулларнинг кискариши оқсиллар иштирокида кечади. Уларнинг энг мухимлари актин ва миозин кискарувчи мускул толаларини ташкил киладилар. Миозин яна ферментлик фаолиятига ҳам эга.

6. Оқсил гормонлар — бир катор ички секреция безларининг махсулотлари пептид ва оқсил табиатига эга. Масалан, инсулин, усиш гормони ва бошқалар. Улар организмда моддалар алмашинувини ростлаб турадилар.

7. Структура функцияси — Оқсиллар бириктирувчи тўқиманинг асосий куриш материалидир: кератин, коллаген, эластин ана шулар жумласидан. Лекин оқсиллар хужайра скелети, хромосомалар, мембрана, рибосомалар, рецепторлар таркибида бошқа моддалар билан биргаликда катнашадилар.

Бу курсатилиб утилган асосий функциялардан ташкири оқсиллар яна жуда куп биологик фаол структураларнинг тузилишида ва функциясида иштирок этадилар. Масалан, хайвон захарларининг аксари ҳам оқсил табиатига эга, куриш пигменти родопсин, информацияни хужайра ичига узатадиган мембрана юзасидаги махсус тузилма — рецепторлар оқсилларни бошқа молекулалар билан берган комплексидир, кон оқсили-фибриноген кон ивишида катнашади.

Оқсилларни уларнинг таркибига караб икки категорияга булиш мумкин: содда оқсиллар — протеинлар ва мураккаб (конъюгиранган) оқсиллар — протеидлар. Биринчи категорияга тегишли оқсиллар факат протеин молекуласидан иборат булиб, бошқа күшимча компонент тутмайдилар. Мураккаб оқсиллар полипептид занжиридан ташкари, унга боғланган, пептид булмаган органик ёки анорганик группани саклайдилар. Простетик группа (юононча *prostheto* күшимча демак).

ОҚСИЛ МОЛЕКУЛАСИННИГ ТУЗИЛИШИ. **Пептид боғи, пептидлар** Оқсиллар аминокислоталарнинг узаро биришидан хосил булганлиги аниклангандан сунг, утган асрнинг охирги йиллари ва XX асрнинг бошларида уларнинг борланиш тартибини урганиш устида катта тадқиқотлар утказилди. Бу соҳада биринчилар каторида машхур рус олим А. Я. Данилевский утган асрнинг 80-йилларида чукур маъноли тадқиқотлар утказиб, оқсил молекуласи полимер табиатга эга эканлигини, улар парчаланиши сув бириктириш билан кечишини таъкидлади. Аммо бу фикрлар оқсил структураси хакидаги, озирги замой тушунчаларидан анча узок эди. Улуг немис химиги Эмиль Фишер XX асрнинг бошларида оқсил тузилишининг полипептид назариясини ишлаб чиқди. У яратган тушунчалар оқсил структураси хакидаги хозирги замон таълимотининг пойdevori булиб колди. Оқсил, умуман пептидларда аминокислота колдиклари бир аминокислотанинг акарбоксил ва иккинчисининг **а-** амино группаларидан сув элементлари ажралиб бирин-кетин узаро боғланганлар. Хосил булган боғ пептид боғи, махсулот эса пептид деб аталади. Пептидтаркибидаги хар бир бугин аминокислота колдиги деб аталади. Пептид, уни ташкил килувчи аминокислоталар сонига караб, улар иккита булса дипептид, учта булса трипептид, сунгра тетра-, пента, гекса-пептид, умуман улар сони 10 дан кам булса **олигопептид**. 50 дан кам булса **полипептид** деб аталади. Полипептидлар асосан тугри чизик шаклида булиб, унинг бугинлари тизилиб узун занжир хосил килади ва бу структурага **полипептид занжири** дейилади. Занжирдаги аминокислота колдикларни сони 50 дан ортик булса, шартли равишда, улар оқсиллар каторига киритилади.

Оқсил синтези мухим жараён бўлиб, ҳамма тирик организмлар учун Ер юзида дастлабки кимёвий реактсияларнинг қуидаги турлари мавжуд бўлган:

1. Кислотали - ишқори реактсиялар бўлиб унда водород протони бир молекуладан бошқа молекулага кучиш билан содир бўлган.
2. Оксидланиш ва қайтарилиш реактсиясида электронлар молекуладан молекулага ўтган.

3. Асосий рол ўйнаган кимёвий реактсия фосфордан фойдаланиш билан боради. Фосфат бирикмасида энергия ҳосил бўлади.

Оқсил синтези роцесси ҳамма тириорганизмлар учун ҳос жараён ҳисобланади. Агар аминокислоталар аралашмаси иситилса, улардан қисқа занжирлар ҳосил бўлади, бундай оқсил термик оқсил ёки протеиноидлар дейилади. Протеиноидлар занжирининг узунлиги ва уларнинг аминокислоталарии тасодифий эмас, балки реактсия шароити ва дастлабки аминокислотага bogълиқ. Агар аралашмага фосфор қўшилса реактсия маҳсулоти ошади.

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлганини дастлабки кезларида ҳам ана шундай оқсил синтези бўлган. Жисмлар совуганда кичик-кичик чуқурларда сув ҳавзалари пайдо бўлган унда кичик молекулалар ва аминокислоталар мавжуд бўлган. Сувнинг бугъланиши ва иссиқ тошларга ўрилиши натижасида аминокислоталар реактсияга киришиб протеиноидларни ҳосил қилган. Кейин ёмғир чукурларни қайта тўлгъазган, сув протеиноидларни ювиб юборган. Ана шу протеиноидлардан каталитик хусусиятга эга бўлган оқсил синтез бўлган.

Метаболизм тушунчаси. Метаболизм икки фазадан тузилади - анаболизм ва катаболизм. Анаболизм (юононча ana-баландга, ballein - ташлаш) кичик молекулалардан йирик биомолекулалар синтезланишини таърифласа, катаболизм (Rata - пастга, ballein - ташлаш сўзларидан) мураккаб молекулаларнинг парчаланишини белгилайди. Ташқи мухитдан қабул қилиниб, метаболизм доирасига кирган моддалар ва организмда моддалар алмашинуви жараёнида ҳосил бўладиган маҳсулотлар метаболитлар деб аталади. Озиқ моддани қабул қилиниши метаболит жараёнининг биринчи мухим босқичи бўлиб, охирги маҳсулотларнинг организмдан ажралиши унинг энг сўнгги босқичидир. Бу икки жараён ўртасида озиқ модда турли химиявий ўзгаришларга учрайди. У организмнинг структура элементларига айланади, энергия ажратиш билан эса парчаланади. Бу йулда бир қатор йирик босқичлар ва жуда кўп тармоқлар бўлиб, уларнинг умумий йуналиши барча ораганизмларда бир хил кўринса ҳам ўсимликлар, микроорганизмлар ва ҳайвонлар метаболизми ўзига хос хусусиятга эга.

Ўсимликларда барча жараён уруғ униб чиқишидан бошланади: уруғда маълум миқдорда тўпланган эҳтиёт моддалар, ёғ ва углеводлар у ердаги ферментлар таъсирида парчаланиб, ўсимликнинг биринчи барги - колеоптилнинг пайдо бўлишида уни пластик материал ва энергия билан таъминлайди. Уруғ униб чиққач, унинг яшил япроқлари қуёш энергиясидан фойдаланиб фотосинтезни, автографик типдаги метаболизмни бошлаб юборади. Бинобарин уруғларда ҳам моддалар алмашинуви мураккаб бирикмаларнинг гидролитик парчаланишидан бошланади. Шунинг учун ҳам уруғ униб чиқаётганида ўзида, асосан, крахмал тўлмайдиган углеводли донларда амилаза, малтоза, ёғли уруғларда масалан, чигит, кунгабоқарда, айникса липаза ферментларининг фаоллиги жуда кучаяди. *Метаболик жараёnlарнинг асосий йўллари.*

Анаболизм ва катаболизм. Хужайра метаболизмининг энг характерли томони шуки, реакцияга кирадиган бошланғич модда ўзининг охирги ҳосиласига бирдан әмас, балки охирги уланган қатор звенолардан иборат реакциялар занжири орқали ўтади. Бундай механизм реакцияларнинг текис ўтишини, энергиянинг хужайра ҳаётига зарап етказмайдиган ва фойдаланиш ёки саклаш мумкин бўлган кичик улушларда ажралиши ва ютилиши, реакция суръатини турли йуллар билан ишончли ва самарали идора қилиш имкониятини туғдиради. Бундай бирин-кетин ўтадиган реакциялар бир-бирига боғлиқ ва бирин-кетин таъсир этадиган ферментлар тўплами - мультифермент система томонидан катализланади. Метаболизм олий даражада ташкил қилинган ва маълум мақсадга қаратилган хужайра фаолияти бўлиб, бир вақтда жуда кичик хажмда кечадиган минглаб реакцияларни координацияси бундай системанинг яшаш гаровидир. Хужайрада узоқ йиллар давомида ривожланиши бундай мураккаб вазифани бехато бажариш учун тегишли механизмлар яратилган. Улардан энг муҳимлари қўйидагилар:

1. Асосий озуқа моддалари оқсиллар, ёғлар, углеводлар алмашинувида бир хил умумий марказий маҳсулотларнинг пайдо бўлиши ва мана шундай оралиқ бирикма орқали метаболизмнинг турли тармоқларини бир-бирига боғланиши, бир хил ферментлар билан уларнинг алмашинувини идора қилиниши.
2. Метаболизмнинг айрим йўллари мембраналар ёрдамида алоҳида хоналарга ажратилиши - компартаментализация. Натижада масалан, асосий оксидланиш реакциялари митохондрияларда, нуклеин кислоталарнинг синтези ядрода, кўп гидролитик парчаланишлар лизосомаларда ўтади. Бу жараёнларнинг кечиши учун лозим бўлган субстратлар энзимлар, коферментлар ҳам шу органеллаларда, етарли миқдорда ҳозир бўладилар.
3. Метаболик жараёнларнинг бирин-кетин келадиган босқичлари ўз таъсири бўйича бир-бирига уланган энзимлар системаси орқали бажарилади. Кўп метаболик йўллар ёпиқ ҳалқалар - цикллар шаклида ўтади. Бундай реакциялар занжирида жараён суръати энг паст тезлик билан борадиган реакцияларга боғлиқ ва жараённи ҳал қилувчи битта энзим фаоллигини идора қилиш орқали бошқариш мумкин.



Нуклеин кислоталарнинг абиоген йўл билан пайдо бўлиши мумкинлигини исботлашда немис биохимиги Шрамм ўтказган тажрибалар дикқатга сазовордир. У 2 та электрон кавшарланган колба ичига шакар, азотли асослар ҳамда фосфат кислота тузлари эритмасини солиб, эритмани 80° гача иситган ва ундан электр ўтказган. Бу эритмалар аралашмаси бир неча кундан кейин текширилганда, уларда ДНК ва РНК типидаги моддалар,


яъни нуклеотидлар борлиги маълум бўлган. Олдбиологик синтез учун зарур энергия электр учкунлари, ультрабинафша нурлар ва радиоактив моддаларнинг нарчаланишидан олинган.

Дж. Бернал олдбиологик бирикмаларнинг концентрацияланиши сувда эмас, балки кенг тарқалган минералларнинг юза кисмида рўй берган, деган эди. Бу фикрни Исроил институтида ишлаётган Арон Качальский ҳам тажриба асосида исботлаб берган. Олдбиологик моддаларнинг концентрацияланиши ва полимсрланиши музлаш ва иситилиб куриши туфайли амалга ошган бўлиши мумкин, чунки Миллер ва Оргели эритмаларнинг концентрацияси улардаги сув музлатганда ортиши мумкин, дейдилар. Фокс эса қутилган аминокислоталар аралашмасини 180° иситганда, уларда полимерланиш рўй берганлигини ва протеиноидлар ҳосил бўлганлигини тажрибада исботлаган. Шунга асосланиб, у дастлабки океанда синтезланган аминокислоталар вулқон қуқунлари билан аралашшиб туриши ва полимерланиши мумкин, сўнг полимерланиш маҳсулоти бўлган протбиноидлар яна сувда ювилиб, океандаги бошқа олдбиологик моддалар билан реакцияга киришган бўлиши керак, деб тахмин қилган.

Олдбиологик системалар, эҳтимол, нисбатан бир бутун агрегат бўлиб, дастлабки озиқ бульонидан фарқ килган бир хил органик моддалар эритмасидан ажралиб чиккан, бўлиши мумкину Чамаси коацерват томчилар ҳам шу усул билан пайдо бўлганДир. Коацерват томчиларнинг ривожланиши дастлабки океанда океилга ўхшаш ва юқори молекулали бошқа органик молекулаларнинг ҳосил бўлиши натижасидир. Қайд килинган жараён алоҳида шароитни талаб қилмайди ва у юқори молекулали органик бирикмаларнинг энг қулай усули ҳисобланади.

Тирик ҳужайрада муҳим биологик вазифани бажарувчи биологик полимерларга нуклеин кислоталари киради. Улар ирсий белгиларни ўзида саклаб, уни авлоддан — авлодга узатилишида, оксилларнинг синтезида, организмнинг ўсиши ва ривожланишида хуллас ҳужайрада кибернетик функцияни бажаради.

Нуклеин кислоталар 1868 йида Мишер томонидан ҳужайра ядросида аникланиб унга “нуклеус” деб ном берилган. Нуклеин кислоталар оксиллар билан бириккан ҳолда нуклеопротеид кўринишида аксарият ядрода учрайди. Нуклеин кислоталар парчаланганда азот асослари, углевод компонентлари ва фосфор кислоталари ҳосил бўлади. Азот асосларининг куйидаги ҳосиллари бор.



Нуклеин кислоталар таркибига углевод компонентлари D — рибоза ва 2-D — дезоксирибозалар киради.

Азот асослари ҳамда углевод компонентларининг бирикишидан ҳосил бўлган бирикмалар нуклеозидлар деб аталади.

Пурин асослари ҳосил килган нуклеозидлар «озин» кўшимчаси кўшилади. Масалан, аденоzin перемидин асослари ҳосил килган нуклеозидлар эса «идин» кўшимчасини олади, уридин, тимидин ва ҳакозолар.

Нуклеозидларни ҳосил қилувчи азот асослари ва углеводлар бир-бирлари билан гликозид боғлар орқали боғланади. Нуклеозидларга фосфат кислота кўшилса нуклеотидлар ҳосил бўлади. Нуклеотидлар нуклеин кислоталар молекуласининг ташкил қилувчи мономеридир.

Нуклеотидлар фосфорланиши натижасида ди — ва трифосфатлар ҳосил бўладилар. Булар энергияга бой бирикмалар деб аталади.

Нуклеин кислота нуклеотидларнинг полимерланиши натижасида ҳосил бўлган полинуклеотидлар занжиридан иборат улар кимёвий тузилишига кўра полиривонуклеотид (РНК) ва полидезоксирибонуклеотид (ДНК) дан иборат.

Нуклеотидлар бир-бири билан фосфат кислота воситасида бирикади. Фосфат кислота ҳар доим бир нуклеотид таркибидаги рибозанинг учинчи C³ — атоми билан, иккинчи нуклеотид таркибидаги рибозанинг бешинчи C⁵ — атоми билан боғланган.

Нуклеин кислоталарнинг молекуляр массасига қараб таркибидаги нуклеотидлар сони ҳар хил бўлади. Агар нуклеотиднинг ўртача молекуляр массаси 330 га teng бўлса, йирик молекулали ДНКнинг поликонденсация коэффициенти бир неча ўн мингга teng. Юқори молекулали РНКнинг поликонденсация коэффициенти хам бир неча мингга teng. Масалан молекуляр массаси икки миллионга teng бўлган РНК 2000 000:330=6600 та нуклеотид қолдигидан иборат.

ДНКнинг тузилиши

Вирус ва бактериялардан ташқари барча тирик организмлардаги ДНК хужайра ядросида жойлашган. ДНК хлоропласт ва митохондрийларда ҳам оз миқдорда бўлиб ядродаги ДНКдан фарқ қиласи. Хужайралар таркибидаги

ДНК микдори тирик ҳужайранинг физиологик ҳолатига эмас, балки ҳужайралардаги хромосомалар сонига боғлиқ.

ДНКнинг молекуляр оғирлиги катта бўлиб, бир неча ўн миллиондан юз миллионгача етади. ДНК тирик организмларда ирсий белгиларни саклаш ва наслдан-наслга ўтказиш функциясини бажаради. ДНК молекуласида азот асослари А, Г, Ц, Т бўлиб углеводлардан дезоксирибоза ва фосфат бор.

ДНК таркибидаги нуклеотидларнинг ўзаро муносабати маълум қонуниятларга бўйсинади. Бу қонуниятни Чаргофф қоидаси деб аталади.

1.Днк таркибидаги гуанин ва цитозиннинг моляр концентрация йифиндисининг аденин ва тиминнинг моляр концентрацияси йифиндисига бўлган нисбати ўзгарувчан бўлади.

Г+Ц

А +Т

Ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларнинг ДНКсидаги бу нисбат ҳар хил бўлганлиги учун у тур специфик коэффициенти деб аталади.

1953 йили Уотсон ва Крик ДНКнинг кимёвий тузилиши Чаргофф қоидалари ва рентген структура анализи маълумотларига асосланиб, ДНКнинг моделини яратдилар. Кейинги текширишларда бу моделни тўғри эканлиги исботланди. Бу моделга асосан ДНК молекуласи қўш спирал ҳосил килувчи иккита полинуклеотид занжирдан иборат. Ҳар иккала занжир битта умумий ўққа эга бўлиб, диаметр и 20А га teng. Нуклеотидлар қолдиғи бир —бирига нисбати 36° бурчак ҳосил килиб жойлашган. 360° га teng спиралнинг бир айланаси ёки ўрами орасидаги масофа 34А га teng бўлиб, ҳар бир нуклеотид 3,4А ни эгаллайди.

Полинуклеотид занжирларнинг пентоза — фосфат группалари спирал—нинг ташқи томонида, азот асослари эса ички томонда жойлашган. Занжирлар бир-бирига нисбатан тескари йўналган. Азот асослари қўш спиралнинг ички қисмида бир-бирига катъий равишда мос келадиган жуфт асослар ёки комплементар ҳолатда жойлашган. А га Т, Т га эса Ц мос келади. Улар ўзаро водород боғлари орқали боғланадилар АТ жуфтида 2 та ГЦ жуфтида 3 та боғ бор.

ДНК— бир занжирдан ипсимон ҳолатда бўлса унинг бирламчи структураси деб аталади. Иккиламчи структураси Уотсон Крик моделига мос келиб у ҳолат юқори организмларда учрайди.

ДНК ҳужайрадаги функциясига қараб А, В, С, Т қўринишга эга эканлиги аникланган. Охирги йилларда Z формаси ва яъни SBS шакллари аникланган. ДНК — репликация бўлганда В, транскрипцияда А, С— формаси ДНК хроматинда тинч ҳолатда бўлганда кузатилган.

Икки занжирни боғловчи кучлар биринчи водород боғлари бўлса, иккинчи эса азот асослари бўйлаб сув молекулаларини боғланишга тўсқинлик қилувчи гидрофоб гурухлардир.

ДНК вирус, фаг, хлоропласт ва митохондрияларда шар думалоқ учламчи структура ҳолатда ҳам бўлади. ДНК молекуласида минглаб палиндромлар учраши ДНКнинг занжирида 300—1200 қўш асослар тугунчалар хосил бўлиб, булар кўпроқ эукариотларда топилган функцияси номаълум.

Рибонуклеин кислоталар

РНК хужайранинг ҳамма қисмида учрайди, кўпроқ рибосомаларда тўпланган. Молекулаларнинг оғирлиги, кимёвий тузилиши ва функциясига қараб бир-биридан фарқ қиласди. РНК таркибида А, Г, Ц, У, углеводлардан рибоза ва фосфат учрайди. ДНК икки занжирли РНК эса бир занжирли боғ. Хужайрада уч ҳил РНК учрайди.

1. Хужайрадаги РНКнинг 80% га яқини рибосома РНК (р — РНК) ташкил қиласди. Р — РНКнинг молекуляр массаси 1,5 — 2 миллионга тенг ва 4000 — 6000 нуклеотид қолдигидан иборат. Р — РНК хужайрада оқсиллар билан бириккан ҳолда учрайди.

2. РНКнинг иккинчи тури транспорт (т — РНК) деб аталади. Бу умумий РНКнинг 15% га яқин. Оқсил синтезида у аминокислота- ларни ташиб вазифасини бажаради. Молекуляр массаси 25-30 минг, иуклеотид қолдиги эса 60 — 90 тадан иборат.

3. РНКнинг учинчи тури информация РНК [и-РНК] ёки воситачи РНК деб оқсил синтезида ДНКдан рибосомага хабар келтиради. И — РНК умумий РНКнинг 2 — 3% ташкил этиб молекуляр массаси 1 миллионга яқин.

РНК молекуласи полинуклеотид занжирларининг баъзи қисмлари бир-бирига яқин келиб, ўзаро водород боғлар билан бирикади ва спирал структура ҳосил қиласди.

Т-РНКларнинг бирламчи ва иккиламчи структураси аниқланди. Уларнинг бир томони Г иккинчи учи ЦЦА дан иборат бўлиб аминокислота Аденин рибозасидаги 3' С углерод атомига боғланиб рибосомага ташилади. Иккиламчи структурали т-РНК водород боғлари орқали бирикади ва «беда баргини» эслатувчи мураккаб конфигурацияси ҳосил бўлади.

Оқсил биосинтези жараённида рибосомалар бир бутун структура ва иккита суббирликлар (30 S, 50 S) шаклида иштирок этади.

Интакт комплекс суббирликларга диссоциланади, суббирликларнинг ўзи эса РНК ва оқсил молекулаларига ажралади. Рибосомалар таркибига кирадиган барча оқсил ва рибосома молекулаларнинг бирламчи структураси тўла ўрганилган 5 S р — РНК 120 нуклеотид, 16 S р-РНК 1542 ва 23 РНК 2904 нуклеотид тутади. Улар рибосома тузилмаси картасини тузишдан ташқари, оқсил молекулалари билан специфик муносабатда бўладилар. Рибосома таркибидаги бу компонентлар, шу жумладан, оқсил молекулалари ҳам биттадан нусхада мавжуд. Рибосомалар реконструкцияси хужайрада кечадиган табиий жараён, уни «тўплаши, йиғишириш» ҳам дейилади.

Синов саволлар.

1. Азотли асослар.

2. Нуклеозид ва нуклеотидларга тавсиф.
3. ДНК —нинг тузилиши. Коператовлик тизими ва унинг аҳамияти.
4. Хромасомада ДНК — роли.
5. Рибонуклеин кислоталар ва уларнинг хиллари.

Транскрипция ва трансляция. Оқсиллар биосинтези.

Транскрипция -ДНК молекуласида ёзилган нуклеотидлар жойланиши ҳақидаги ахборотни РНК га кўчириб ёзилиши. Транслатсия – А-РНК-да ёзилган ахборотга асосан оқсил молекуласида аминокислоталарни тартиб билан терилиши. 50-йилларда олимлар томонидан очилган оқсил синтези назарияси - бу жараён мураккаб кўп босқичли эканлигини кўрсатди. Бунда ДНК, 3 хил РНК ва турли ферменглар иштирок этиши аниқланди. Ҳар бир оқсил молекуласи маҳсус А-РНК таркибидаги нуклеотидлар тартибига асосан рибосомада синтезланади. ДНК молекуласи таркибидаги бир генга мос келувчи маълум бир қисмидаги нуклеотидлар тартибини А-РНК ўзига кўчиради ва шу ахборотга асосан аминокислоталарни йиғишни таъминлайди.

Хужайрада оқсил синтезланиши 4 босқичда юз беради:

Биринчи босқичда аминокислоталарни АТФ таъсирида активланиши юз беради, яъни бунда АТФ энергияси аминокислоталарнинг бирикиши маҳсус фермент - аминоанил - РНК - гинитаза катализаторлигида боради. Натижада активлашган аминокислоталлр ўзаро яхши таъсир этиб полипептид занжирига қўшилади. Ситоплазмада оқсил молекуласини синтез қилиш учун зарур бўлган аминокислоталар доим бўлади.

Иккинчи босқичда активлашган аминокислоталар Т-РНК ёрдамида, рибосомаларга яъни оқсил синтез бўладиган жойга ташиб борилади. Т-РНК молекулаги А-РНК-га қараганда занжири кичик, 70-80 нуклеотиддан иборат. Аминокислота Т-РНК-ни учки қисмига бирикади. Барча РНК-ларда аминокислота бириқувчи қисми бир хил -ССА иуклеотиддан иборат бўлади. Ҳар бир аминокислотани ташувчи алоҳида Т-РНК мавжуд бўлиб, яъни 20 хил аминокислотани ташувчи 20 хил Т-РНК бор.

Учинчи босқичда аминокислоталар ДНК таркибидаги нулеотидлар тартиби бўйича кетма-кет жойлашади. Бу тартибда жойлашиш А-РНК-да ёзилган ахборотга мувофиқ юз беради, Бир неча аминокислоталар бирикиб бир оқсил молекуласини ҳосил қиласи, яъни Р-РНК таркибидаги фермент таъсирида мураккаб оқсил занжирини ҳосил қиласи. Бу жараён рибосомаларда пептидполимераза фермент таъсирида юз беради. Рибосомалар таркиби оқсил ва РНК-дан иборат бўлади. Бу РНК рибосомал РНК дейилади.

Тўртинчи босқич. Бу даврда оқсил полипептид занжири тўлиқ шаклланади. Ҳосил бўлган водород боғлар таъсирида полипептид оқсил занжири спирал шаклида буралиб, биологик актив (конфигуратсия) ҳолатига ўтади.. Оқсил биосинтезида ДНК молекуласи етакчи вазифани бажаради ва бу жараённи бошқаради. ДНК молекуласида жойлашган триплет кодлари жойланиш тартибига мувофиқ унда ахборот РНК молекуласи синтезланади.

Кейин шу А-РНК-да ёзилган ахборотга мувофиқ бўлажак оқсил аминокислоталари йигилади. Шундай қилиб ДНК молекуласи организм белги ва хусусиятлари ҳақидаги ирсий ахборотни ўзида сақлайди ва ирсиятни оқсил биосинтези орқали бошқаралади: оқсил синтези биосинтез жараёнлари орасида энг мураккаби бўлса керак, унинг айрим босқичларида полипептид занжир инитсиатсияси, узайиши, тамомланиши ва оқсилларнинг етишишида юзга яқин ферментлар, махсус оқсил факторлар, умуман 200 яқин макромолекулалар иштирок этади. Бу макромолекулаларнинг кўпи рибосомалар уч ўлчовли мураккаб структурасининг ташкилий қисмларидир. Оқсил биосинтези аппарати шу қадар мураккаб бўлишига қарамай, жараён жуда катта тезлиқда ўтади. Масалан, э.соли ва 100та аминокислотадан иборат оқсил занжиригининг яратилиши учун хужайра рибосомаларига 5 секундгина кифоя. Айни шу учта кашфиёт тездан оқсил синтезининг асосий босқичларини аниқлашга ва нихоясида аминокислоталар учун генетик таъминлашга олиб келди. Оқсил синтез м-РНК ни декодирлаш, яъни РНК молекуласида тўрт хил асосларнинг изчил келиши ёзилган ахборотнинг 20 хил аминокислоталарнинг оқсил молекуласида изчил келиш тилига ўтказилишидир. Шунинг учун ҳам бу жараён транслатсия (таржима қилиш) дейилади. Оқсил синтезининг босқичлари. Бу жараён асосан 5 босқичда ўтади.

Аминокислоталарнинг АТР ёрдамида активланиши ва тегишли транспорт РНК га кўчирилиши оқсил биосинтези учун энергетик асос яратади. Бу икки жарён узлуксиз боғланган бўлиб битта энзим Е-спетсифик аминоатсил-т-РНК –синтеза таъсирида кечади. Френсис Крик бу жараёнда т-РНК адапторлик ролини ўйнашини аниқлади. Бу босқич учун барча (20) аминокислота, 20 ёки ортиқроқ т-РНК, аминоатсил-т-РНК-сентетазалар (Е),

АТР ва Mg⁺ мужассам бўлиши зарур Мазкур босқич қуйидаги икки реаксияда боради:

Охирги реаксияда аминотилли қолдиқ т-РНК сентетазалар спетсифик ферментлардир. Лекин изоаксептор аминоатсил тРНК синтетазалар (АТС) ҳам мавжуд, яъни битта аминокислотани бир неча АТС ҳам ташиши мумкин. Шу билан бирга ферментнинг ўзи ҳам бир занжирли (масалан, Вал, Иле, Лей учун), бир хил бир нечта занжирли (Мет учун), учинчилар иккита ҳар хил занжирлардан тузилган (Мет учун), учинчилар иккита ҳар хил занжирлардан тузилган (Гли, Трп учун) бўлади.

Полипептид занжиригининг инитсиатсияси. Инитсиатсия жуда мураккаб ва жуда муҳим босқич, бошлаб берувчи реаксия. Бу босқичда оқсил синтези учун лозим бўлган аппарат айрим компонентлардан еғилиб иш бошлашга таёрланади.

Полипептид занжири синтезининг инитсиатсияси айнан бир неча даврларда ўтади. Биринчи даврда рибосоманинг 30С кичик парчаси инитсиатсия фактори 3 (ИФ-3) билан боғланади, бу фактор 30С кичик парчанинг 50С кичик парча билан боғланишига тўсқинлик қилиб туради. Сўнгра Ф1 фактор (ИФ-И нинг роли тўла аниқланган эмас) билан боғланган

30С кичик парча м-РНК билан шу тарзда боғланадики, м-РНК нинг инитсиатсия қилувчи кодони (5,)→АГУ← (3,) 30С кичик парчанинг тайинли қисмига уланади. Унинг тўғри ўрнашиши м-РНК да АУГ кодонига яқин жойлашган инитсиирловчи сигнал томонидан таъминланади. Ҳосил бўлган комплекс фМет –фРНК-Мет-қўшиладиган жойни кўрсатади. Инитсиатсия жараёнининг иккинчи даврида бу комплексга 1Ф-2 ёрдамида яна 1Ф-3, ГТР факторлар ва Н-формил метионил т-РНК бирикади. Инитсиатсиянинг учинчи даврида бу катта комплекс 50 С рибосома парчаси билан боғланади; айнан шу вақтда ГТР молекуласи ГДР ва аР га гидролизланади. Инитсиатсия факторлари 1Ф-3 ва 1Ф-2 ҳам рибосомадан ажралади. Мана энди инитсиирловчи комплекс деб аталадиган функционал актив 70 С рибосомага эга бўлинади.

Рибосоманинг 50 С кичик бирлигига аминокислота ва ўсаётган полипептид занжирлар учун тегишли жойлар - сайтлар мавжуд. Улар аминотсил (A) ва пептидли (ИИ) сайтлар деб аталади. Транслатсия давомида аввало аминокислота (т-РНКмет) ўзига спетсифик транспорт РНК орқали ўз сайтига ўтиради. Мана шу шаклда тайёр бўлган инитсиирловчи комплекс энди полинуклеид занжирининг узайишидан иборат элонгатсия даврига ўтади.

Транслатсиянинг айрим босқичларида иштирок этадиган оқсил факторлари: Ф1, Ф2 , Ф3 ва энергия манбаи вазифасини бажарадиган ГТР бу мураккаб механохимиявий жараёнларда қузатиладиган таниб олиш, ҳаракат ҳодисалари билан боғлиқ конформатсион ўзгаришлар учун зарур.

Елонгатсия такрорланадиган қайталма жараён бўлиб, биринчи босқичда навбатдаги аминоатсил-т-РНК (аа-т-РНК) элонгатсия фактори Ту (ЕГ- Ту) ва ГТР билан боғланади. Ҳосил бўлган уч компонентли комплекс т-РНК- Ту- ГТР 70С инитсиирловчи комплексга бирикади. Айни вақтда ГТР парчаланади, Ту-ГДР рибосомадан четланади.

Кейин рибосоманинг А участкаси билан янги аа-т-РНК боғланади. Элонгатсиянинг иккинчи даврида ИИ участкадан Н-формилметионин қолдиқ уни ташиб юрган т-РНК дан пептидилтрансфераза ёрдамида кўчирилиши туфайли А участкадан дипептидил-т-РНК ҳосил бўлади. Бу жараёнларни қуида кўриш мумкин.

Енди рибосоманинг А участкаси билан янги аа-т-РНК бирикади ва сикл такрорланаверади.

Елонгатсия сиклининг учинчи даврида рибосома РНК бўйлаб 3-учига қараб бир қадам масофага силжийди. Бунда дипептидил т-РНК ҳам А участкадан ИИ участкага кўчиб озод бўлган т-РНК ситозолга ўтади. Бу давр транслокатсия дейилади. Бу босқич учун транслокатсия фраксияси (транслоказа деб ҳам аталади) ва яна бир ГТР нинг гидролизи лозим.

Транслатсиянинг охирги даври терминатсия (тугатиш) деб аталади. Оқсил синтези полинуклеотид занжирида маҳсус терминирловчи кодонлардан бири – УАА, УАГ, УГА трипетларидан бири томонидан узилади.

Полипептид занжирининг С учида охирги аминокислота бириккандан кейин ҳам синтезланган оқсил рибосома билан боғланган ҳолда қолади.

Полипептид занжирининг т-РНК рибосомадан ажралиши спетсифик фактор – махсус ажратиш фактори (Р) таъсирида амалга ошади.

3-Мавзу : Рекомбинант ДНК технологияси, геномика асослари. Фаннинг ривожланиш босқичлари, унинг мазмуни ва вазифалари. Ген муҳандислигидаги ютуқлар.

Режа:

1. Рекомбинант ДНК технологияси, геномика асослари.
2. Фаннинг ривожланиш босқичлари, унинг мазмуни ва вазифа
3. Ген муҳандислигидаги ютуқлар.

Рекомбинант ДНК технологияси. Илк бор 1972 йилда АҚШ олимлари *Бойер* ва *Коэн* томонидан амалга оширилган. Бу олимлар *E.coli* бактериясининг хромосома ДНК сига ва шу бактерия плазмидасига алоҳида идишларда *EcoRI* рестриктаза ферменти билан ишлов берганлар. Плазмида таркибида фақат 1 дона *EcoRI* рестриктаза ферменти таниб кесадиган махсус нуклеотидлар изчиллиги бўлганлиги сабабли фермент плазмиданинг халқасимон ДНК қўш занжирини фақат бир жойдан кесиб, плазмидани «ёпишқоқ» учли очиқ ҳолатга ўтказади. Хромосома ДНК молекуласида *EcoRI* рестриктаза ферменти таний оладиган махсус нуклеотидлар изчиллиги қандай бўлса, бу молекула шунча бўлакка бўлинади.

Турли хил ўлчамга эга бўлган ДНК молекуласи электрофорез услуби ёрдамида ажратиб олинади. Ажратиб олинган «ёпишқоқ» учли хромосома ДНК си бўлаги очиқ ҳолатдаги “ёпишқоқ” учли плазмида ДНК си билан аралаштирилиб лигаза ферменти ёрдамида тикилади (уланади). Натижада плазмида таркибида хромосома ДНК бўлаги киритилади.

Шу боисдан рекомбинант ДНК га қуйидагича тариф бериш мумкин: ҳар қандай тирик организм ирсий молекуласининг исталган бўлагини вектор молекулаларига бирикишдан ҳосил бўлган сунъий ДНК - рекомбинант ДНК дейилади.

Рекомбинант ДНК олишнинг учта усули мавжуд:

- коннектор усули: - рестриктаза-лигаза; - линкер молекулаларидан фойдаланиш усули. Коннектор усулида - рекомбинацияда иштирок этувчи

ДНК бўлагининг 3' учига дезоксинуклеотидил- трансфераза ферменти ёрдамида маълум узунликдаги олиго (dA) - сегменти уланади. Иккинчи учига эса олиго (dT) - сегменти уланади. Бу ДНК бўлаклари аралаштирилганда dA ва dT сегментларнинг водород боғлари асосида комплементар бирикиши туфайли халқасимон ДНК структураси ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган ДНК даги бир занжирли бўш жойлар ДНК-полимераза I ферменти ёрдамида тўлдирилади.

3.2. Рестриктаза-лигаза усули.

Рестриктаза-лигаза усули - энг содда ва осон рекомбинант ДНК олиш усули ҳисобланади. Бу усулда ДНК молекуласи ва вектор плазмида «ёпишқоқ» учлар ҳосил қилувчи рестриктаза билан қирқилади ва аралаштирилган ҳолда маълум шароитда реассоциация қилинади. Комплементарлик хусусиятига кўра ДНК молекулалари ўзаро водород боғлари ёрдамида бирикиб ҳалқасимон структура ҳосил қиласи ва ДНК занжирининг бирикмаган жойлари ДНК-лигаза ферменти ёрдамида уланади.

3.3. Линкер молекулаларидан фойдаланиш усулида – ДНК олиш.

Линкер молекулаларидан фойдаланиш усулида – ДНК молекуласига ва вектор плазмидага T4 фаг ДНК-лигаза ферменти ёрдамида маҳсус нуклеотид кетма-кетлигига эга бўлган линкер молекула уланади. Олинган икки турдаги ДНК молекуласи рестриктаза ферменти ёрдамида қирқилиб, аралаштирилган ҳолда реассоциация қилинади. ДНК ва вектор плазмида молекулаларининг бирикмаган жойлари ДНК-лигаза ферменти ёрдамида уланади. Шу йўсинда рекомбинант ДНК молекуласи ҳосил бўлади.

3.4. Вектор молекулалари.

Рекомбинант ДНК ни автоном репликация бўлиши учун жавоб берадиган ДНК бўлаги - **вектор** молекулалари дейилади. Вектор молекулалар ўз вазифасига кўра икки типга

бўлинади:

Биринчиси -автоном репликация бўлувчи векторлар.

Иккинчиси - хромосомага интеграция бўлувчи векторлар. Вектор молекулалар ген мухандислиги биотехнологиясида генларни клонлашда ва трансформация қилишда асосий иш қуроли бўлиб хизмат қиласи. Вектор молекулалари вазифасини фаг ДНК лари, плазмидалар ва ўсимликларни хлоропласт ҳамда митохондриал ДНК лари ўташи мумкин. Хўжалик аҳамияти қимматли бўлган генларни ажратиш учун ген банки (библиотекаси) тузилади. Хромосомал ДНК асосида ген библиотекасини тузиш қуидагича амалга оширилади:

ДНК ва вектор молекулалар рестриктаза ферменти ёрдамида қирқилади ва маълум шароитда реассоциация қилинади; Нуклеотидлар орасида уланмай қолган бўшлиқ ДНК- лигаза ферменти ёрдамида ўзаро бириктирилади; Олинган рекомбинант ДНК бактерия хужайрасига трансформация қилинади. Хромосомал ДНК да мавжуд генларни тўла клонлаш учун ДНК ўлчамига ва олинган клонларни сонига эътибор бериш керак. Бу кўрсатгич қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади: бунда, х-клонланаётган ДНК ўлчами, у-гаплоид геномнинг ўлчами ва р 0,99 га teng бўлса, 99% хромосомал ДНК нинг мос қисми клонланади.

Генларни клонлашда қўпинча кДНК библиотекасини тузиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда маҳсус поли (Y) ва олиго (dT) колонкалари ёрдамида учларида поли (A) нуклеотидлар кетма-кетлигини сақловчи иРНК, тРНК ва

рРНК дан ажратиб олинади. Олинган иРНК молекуласи олиго (dT) нуклеотидлари билан аралаштирилиб реассоциация қилинади. Бунда иРНК

молекуласининг поли (A) учida dA-dT қўш занжирли сегмент ҳосил бўлади. Ушбу икки занжирли сегментнинг олиго (dT) учи қДНК синтезини амалга оширувчи ревертаза ферменти учун праймер (қДНК синтезининг бошланиш нуқтаси) вазифасини ўтайди.

Синтез қилинган қДНК молекуласи қисқа учли икки занжирли структура билан тугалланади. қДНК синтезида матрица вазифасини ўтаган иРНК молекуласи NaOH билан парчаланади, натижада қисқа икки занжирли ва тўлиқ иРНК молекуласига комплементар бўлган бир занжирли қДНК

молекуласи ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган қисқа икки занжирли структура қДНК нинг иккинчи занжирини синтез қилишда праймер вазифасини ўтайди.

ДНК-полимераза ферменти ёрдамида қДНКнинг иккинчи занжири синтез қилинади. Ҳосил бўлган қДНК нинг бир занжирли қисми нуклеаза ферменти ёрдамида парчаланади ва икки занжирли к ДНК молекуласи ҳосил бўлади. Шу йўсинда ҳосил бўлган қДНК молекуласи вектор молекулаларига уланган ҳолда клонланади.

Ҳар икки усул билан яратилган геном библиотекасидан индивидуал генларни ажратиб олиш қўйидагича амалга оширилади – рекомбинат плазмида денатурация қилинади (100 С хароратда 5 мин., 0,2 н NaOH эритмасида 15 мин.), бир занжирли ДНК молекуласи стабил қўзғалмайдиган ҳолатда туриши учун нитроцеллюлоза фильтрига бириктирилади. Олинган фильтр АТФ нуклеотиди билан нишонланган иРНК молекуласи билан гибридизация қилинади.

Молекуляр гибридизация жараёнида фильтрга бириккан рекомбинат ДНК молекуласига комплементарлик қонунияти асосида нишонланган иРНК молекулалари бирикади.

Ҳосил бўлган гибрид ДНК молекуласи денатурация қилиниб, нишонланган иРНК молекуласи ажратиб олинади (элюция ёрдамида). Олинган иРНК молекуласи хужайрасиз оқсил синтез қилиш тизимида текшириб кўрилади. Ҳосил бўлган оқсил молекуласини идентификация қилиш йўли билан индивидуал генларни ажратиб олиш амалга оширилади.

Транспозонларнинг кашф этилиши генетик мухандисликнинг ривожланишида муҳим ахамиятга эга бўлди.

Қўчиб юрувчи генетик элементлар-транспозонларни ўсимлик организмида АҚШ олимаси Барбара Мак Клинтон, микроорганизмларда АҚШ олими Ахмад Бухорий ва хашоратларда Россия олими Георгий Георгиев кашф этган.

Қўчиб юрувчи генетик элементлар айни вақтда транспозицион элементлар ёки транспозонлар деб ҳам ногмланади. Транспозонлар хилмачил структурага эга бўлсаларда, барча транспозон молекулаларининг икки четида маҳсус нуклеотидлар изчиллиги, марказий қисмида эса ДНК молекуласининг белгиланган жойида “ёпишқоқ” учлар ҳосил қилиб, нотуқис кесувчи транспозаза ферментини синтез қилувчи ген мавжуддир.

Транспозаза ферменти хужайрадаги ДНК молекуласини “ёпишқоқ” учлар ҳосил қилиб кесади ва айни пайтда транспозон учларига қовуштиради.

Ҳосил бўлган хромосома ДНК си ва транспозон ДНК сидан иборат қовушма ҳужайра ДНК бўлакларини боғловчи фермент лигаза таъсирида ўзаро боғланади.

Транспозонларнинг ҳужайра ДНК сига интеграцияси қуидаги амалга ошади. Транспозонлар хромосомада ўз ўрнини ўзгартирганда ирсият ҳам ўзгаради. Одатда яшаш мухити кескин ўзгарганда транспозонларнинг қўчиб юриши ортади. Шу сабабдан қўчиб юрувчи генетик элементлар иштирокида ген мухандислигига асоланган қўпгина биотехнологик жараёнлар яратилган.

Одатда, микроорганизм ирсий моддасининг хромосомаси бир миллион нуклеотид нуклеотид жуфтлари изчиллигидан иборат. Ўсимлик ёки ҳайвон геноми бир неча юз миллиондан то 1 миллиардгача нуклеотиджуфтлари изчиллигидан тузилган. Бундай йирик молекулани юқоридақилинган хилмачил рестрикцион эндонуклеазалардан фойдаланию, қўплаб бўлакларга бўлиш мумкин.

Эндонуклеаза иштирокида парчаланганди ДНК бўлаклари элекрофарез ускунасида маҳсус молекуляр “элак” тешикларидан юқори кучланишли электр майдони таъсирида молекуланинг заряди ва улчамига биноан ажратилади. ДНК бўлаги маҳсус бўёқ билан бўяш натижасида ультрабинафша нурлари ёрдамида оддий кўз билан кўрилади.

ДНК нинг майда бўлаклари электр майдонида гел ғовакларидан йирик бўлакларга нисбатан тез харакат қилгани учун уларнинг стартдан босиб ўтган масафасини ўлчаб ДНК бўлагининг катта-кичикилиги аниқланади. Электрофарез ускунасида бир-биридан факат бир нуклеотид кам ёки қўплиги билан фарқланувчи ДНК бўлагини ажратиш мумкин. Рестрикцион эндонуклеаза ферментларининг очилиши ва электрофарез ускунасида ДНК бўлакларини ўта аниқлик билан бир-биридан ажратишнинг такомиллашуви, йирик ДНК молекуласидан исталган ДНК бўлагини ажратиб олиш имконини беради.

Хуса қилиб, айтганимизда, ген мухандислиги биотехнологиясининг моддий асосларига, бактерияларни клонлаш, трансформация ва трансдукция жараёнлари, транспозонлар, плазмидалар ва рестрикцион эндонуклеаза ферментларини тўла фундаментал асосларини ўрганиш киради. Юқорида қайд қилинган биологик фаол моддалар ген мухандислиги биотехнологиясининг амалий жараёнларида ўта қимматли омил ҳисобланади.

Ҳужайраларни манипуляция (фаолиятига қандайдир ўзгартириш киритиш) қилишучун, уларни ўсимликдан ажратиб олиш, ўсимлик организмидан ташқарида яшashi ва қўпайиши учун шароит яратиб бериш лозим. Ажратиб олинган ҳужайра ва тўқималарни сунъий озиқа мухитида, стерил шароитда (*in vitro*) ўстириш усули ажратилган тўқималар қультураси деб ном олди ва уларни биотехнологияда ишлатиш мумкинлиги сабабли катта аҳамият касб этди.

Геномиканинг фан сифатида шаклланиш тарихи. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб физика-математика, техника, гуманитар ва бошқа фанларга ҳам биологик тадқиқотларнинг тадбиқ қилиниши ҳамда улар билан

ҳамкорликда ишлаши тобора кенгайиб бормоқда. Ўтган асрнинг 60-йиллар охири 70-йиллар бошларида биологияда эҲМ (электрон ҳисоблаш машиналари) фаол қўлланила бошланди: шу билан биргаликда уларнинг хотиралари ва оператсион тезликлари ошди ва ўлчамлари кичрайтирилди. Шу билан биргаликда биология соҳасида информатсион таҳлилларни талаб этувчи катта миқдордаги экспериментал маълумотлар тўпланиб қолди. Бунга мисол қилиб бир қанча давлат олимлари ҳамкорлигида 2003-йилдаёқ одам геномининг секвенирланишини (тасвиirlанишини) келтириш мумкин.

Шундай қилиб XXI аср бошларига келиб биоинформатика соҳаси жадал суръатда ривожлана бошлади. Бу эса ўз навбатида биологик тадқиқотлар бўйича олинган маълумотларнинг шу қадар кўпайиб кетганлиги ва бунда ҳар бир омилнинг эслаб қолиниши ва таҳлил қилинишида инсон имкониятлари чегараланиб қолганлиги ҳамда тобора кўпайиб бораётган ахборот хажмини саҳлаш зарурияти туғилганлиги билан боғланади. Илк кетма-кетликлари аниқланган бир неча юз оқсиллар ҳақида маълумотлар китоб-атлас шаклида нашр қилинганган эди. 70 йиллар бошларига келиб аниқланган кетма-кетликлар миқдори шу қадар кўпайдики, уларнинг ҳажми туфайли бу маълумотларни китоб шаклида нашр қилишнинг умуман иложи йўқ эди. Инсон мияси бундай ахборотларни таҳлил қила олмаслиги ва кетма-кетликларни таққослаш учун маҳсус дастурлар керак бўла бошлади.

90-йилларда геномика фани пайдо бўла бошлади. Ҳозирги кунга келиб бир қанча организмлар, жумладан одам, сичқон, товук, курбақа, бир қанча балиқ турлари,чувалчанглар, юзлаб вируслар ва бактериялар ҳамда юзлаб ўсимлик турларининг геном кетма-кетликлари аниқланди.¹ Бактерия геномининг ўқилиши – бу 2-3 тадқиқотидан ташкил топган гурухнинг вақт ҳисобида тахминан 1 йилдан кам муддатга тўғри келадиган вазифасидир. Одам геноми қарийб 3 млрд.га teng харфлардан иборат бўлиб бу эса 15000 китоб томларига тўғри келади.¹ Уни “ўқиб чиқиш” эса биологлар учун Менделеевнинг химиклар учун яратилган даврийлик қонунини очиш билан тенглаштирилади.

Шу боисдан ҳам бундай ҳажмдаги биологик маълумотларни таҳлил қилишда компьютер технологиясидан фойдаланила бошланди. Ген кетма-кетликларини тенглаштириш бўйича биринчи алгоритм 1970-йилда яратилди. Компьютерлар ахборотларни виртуал маълумотлар базасида сақлаш ва улар устида юқори тезлиқда оператсиялар ўтказиш имконини берди. Биоинформатика ҳам бошқа замонавий фанлар сингари бир қанча фанлар, яъни молекуляр биология, генетика, математика ва компьютер технологиялари фанлари бирлашуви асосида вужудга келди. Унинг асосий вазифаси бу биологик молекулалар, энг аввало нуклеин кислоталар ва оқсиллар структура ва функциялари бўйича маълумотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш учун ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишидир.

ДНК нукеотид кетма-кетликларини секвенирлашнинг жадал усули ишлаб чиқилгандан сўнг маълумотлар базасида тўпланаётган генетик ахборотлар ҳажми юқори тезлик билан орта бошлади. Информатика,

лингвистикава информатсия назарияси ютуқлари генетик матнларни таҳлил қилиш имкониятларини очиб берди. Геномиканинг бошқа фан соҳалари билан ўзаро боғлиқ ҳолдаги ривожланиши организм ва хужайрада юз бераётган биологик жараёнларни тушунишнинг янги даражаси шакллантиришга имкон беради.

Бугунги кунга қадар биоинформатикага турлича таърифлар берилади, бироқ асосан биоинформатика турли биологик ахборотларни таҳлил қилишда компьютердан фойдаланиш тушунилади.¹ Шунингдек «биоинформатика» термини майдони ҳам жуда кенгайди ва биологик обектлар билан боғлиқ барча математик алгоритмлардан ҳамда биологик тадқиқотларда қўлланиладиган ахборот-коммуникатсия технологияларидан фойдаланади. Биоинформатикада информатикдаги сингари амалий математик, статистика ва бошқа аниқ фанлар усуллари қўлланилади. Биоинформатика шунингдек биокимё, биофизика, экология, генетика ва қатор табиий фанлар соҳаларида файдаланилади.

Биоинформатика ўз ичига қуидагиларни олади:

- 1) қиёсий геномикада компьютер таҳлилининг математик усуллари (геном биоинформатикаси);
- 2) оқсил структураларини башорат қилиш учун алгоритм ва дастурларни ишлаб чиқиш (структуравий биоинформатика);
- 3) мувофиқ ҳисоблаш услубиятлари стратегияси тадқиқоти ҳамда информатсион мураккабликнинг биологик тизимлар томонидан умумий бошқарилиши.

Амалий маънода биоинформатика – бу биологлар манфаатлари учун хизмат қиласиган амалий фандир. Маълумотларни бирламчи таҳлил қилиш техник биоинформатика соҳасига тегишилди. Олинган маълумотларни қаердадир саклаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш лозим. Биоинформатикларнинг энг мураккаб ва шунинг билан бирга энг қизиқарли бўлган машғулотлари бу геном ҳақидаги маълумотлар асосида аниқ тасдиқланган натижалар олиш, яъни масалан; А оқсили қандайдир функсия бажаради, Б гени қайсиdir жараёнда қатнашади ва х.о.лар. бу эса биоинформатика фанининг амалий аҳамиятидан далолат беради.

Геномика ва биоинформатика биология соҳасининг қуидаги йўналишларида қўлланилади:

- геномика
- ривожланиш биологиясида компьютер моделлаштириш;
- ген тармоқларининг компьютер таҳлили;
- популатсион генетикада моделлаштириш.

Геномика ва биоинформатика дори препаратларини лойиҳалаштириш муддатини 5-6 йилдан бир неча ойларга қисқартиш имкониятини яратиб фармакология соҳасига ҳам осонгина кириб борди. Шунингдек бу фан кўплаб бошқа тиббиётга ва биологияга оид фанлар билан интегратсияланди.

Бугунги кунда геномика ва биоинформатиканинг қуидаги бўлимлари мавжуд:

- умумий биоинформатика;
- клиник биоинформатика;
- структуравий геномика;
- функционал геномика;
- фармакогеномика;
- клиник протеомика;
- функционал протеомика;
- структуравий протеомика.

Геномика ва биоинформатика усуллари ёрдамида катта ҳажмдаги биологик маълумотларни шунчаки таҳлил қилиш эмас, балки ҳар доим ҳам оддий тажрибаларда аниқлаб бўлмайдиган қонуниятларни исботлаш, генлар ва улар кодлайдиган оқсиллар функцияларини башорат қилиш, хужайрадаги генларнинг ўзаро таъсири моделини қуриш, дори препаратларини яратиш мумкин.

Пхи-Х 174 фагининг 1977-йилда секвенирланганидан бўён кўплаб организмлар ДНК кетма-кетликлари аниқланди ва маълумотлар базасига жойлаштирилди.¹ Бу маълумотлар оқсил кетма-кетликларини ва регулятор участкаларни аниқлаш учун фойдаланилади. Маълумотлар миқдорининг кўпайиши билан энди кетма-кетликларни қўлда (вручную) таҳлил қилиш мумкин бўлмай қолди. Ва ҳозирги кунда миллиардлаб жуфт нуклеотидлардан ташкил топган минглаб организмлар геномлари бўйича қидирувлар олиб бориш учун компьютер дастурларидан фойдаланилади.

Йирик геномлар учун ДНК фрагментларини йиғиши етарли даражада қийин вазифалардан ҳисобланади. Бу усул ҳозирда қарийб барча геномлар учун қўлланилади ва геномларни йиғиши алгоритмлари биоинформатика соҳасида бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири саналади. Геномда генларни ва регулятор элементларни автоматик тарзда қидириш генетик кетма-кетликларга компьютер таҳлилини қўллашда яна бир мисол бўла олади.

Геномика контекстида анотатсия – бу ДНК кетма-кетлигига генларни ва бошқа обектларни маркировкалаш (нишонлаш, белгилаш) жараёнидир. Геномлар аннотатсии биринчи дастурий тизими Оуен Уайт (Owen White) томонидан 1955-йилдаёқ яратилган эди.

Еволутсион биология турларнинг келиб чиқиши ва пайдо бўлишини, уларнинг даврлар бўйича ривожланишини ўрганади. Информатика эволутсияни ўрганувчи биологларга бир неча жиҳатларда ёрдам беради:

- 1) барча ДНКадаги ўзгаришларни ўрганган ҳолда қўп сонли организмлар эволутсияларини тадқиқ қилишда;
- 2) янада комплекс эволутсион ҳодисаларни ўрганиш имконини берувчи геномларни бир-бирига тақослашда;
- 3) популатсиялар компьютер моделларини қуришда;
- 4) қўп миқдордаги турлар ҳақида маълумотни ўз ичига оловчи нашрларни кузатиб боришда.

Екотизимнинг биологик хилма-хилликлари гўёки бу бир томчи сув ёки бир ҳовуч тупроқ, ёки Ер сайёрасининг барча биосфераси каби барча тирик

турлардан иборат бўлган маълум бир муҳитнинг тўла генетик йиғиндиси сифатида аниқланиши мумкин. Ихтисослаштирилган дастурий таъминот маҳсулотлари қидириш, визуализатсия (қулай чақирув) қилиш, ахборотни таҳлил қилиш ва энг муҳими, натижаларни бошқа тадқиқотчилар билан бўлишда фойдаланилади.

Ҳозирги замон илмий биологик адабиётида биоинформатика билан биргаликда “ҳисоблаш биологияси” ибораси ҳам учраб туради. Ҳисоблаш биологияси – бу фан соҳаси эмас, балки биологик жараёнларни ўрганиш учун компьютерлардан фойдаланишга услубий ёндашув ҳисобланади. Гарчи “ҳисоблаш биологияси” кўпроқ алгоритмлар ва аниқ ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишлиар билан шуғуллансада ҳозирча “биоинформатика” ва “ҳисоблаш биологияси” ибораларидан тез-тез маънодош (синоним) сўзлар сифатида фойдаланилмоқда. Ҳисоблаш биологиясида фойдаланиладиган барча усуллар яъни, масалан, гарчи биологик вазифалар билан боғлиқ бўлсада математик моделлаштириш – бу биоинформатика ҳисобланмайди.

Бундан ташқари математик биология ҳам мавжуд бўлиб, у ҳам биоинформатика сингари биологик муаммоларни ечишда ишлатилади, бироқ унда қўлланиладиган усуллар натижаси сон билан ифодаланмайди ва уларни амалга оширишда дастурий ва жихоз таъминоти талаб этилмайди.

Оқсиллар фазовий тузилмаларини башорат қилишда ишлатиладиган алгоритм ва дастурлар ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи сруктуравий биоинформатика бошқаларидан ажралиб туради. Шундай қилиб биоинформатика ҳам анатомия, ботаника, вирусология, микробиология, ситология, палеонтология, физиология ва бошқалар каби биология бўлимлари қаторига қўшилмоқда.

Замонавий биологик тадқиқотдарда геномика фанининг аҳамияти. Геномика биологиянинг илмий тажрибалари асосида олинган натижаларни таҳлил қиласди. Олинган маълумотларни тадқиқотчи маълумотлар базасида мавжуд бўлган барча тўпламлар билан солиширади. Бордию, у ўзи аниқлаган кетма-кетликни маълумотлар базасидан топа олмаса бунда у бу маълумотни шу жойга киритиб қўяди ва бу билан базани янада бойитади. Маълумотлар базаси функцияларига сақлаш, тизимлаштириш, ахборотларни янгилаб туриш унга кириш хуқуки билан таъминлашлар киради. Бу оператсиялар эса катта қудратлардаги компютерларни талаб қиласди.

Шунингдек биологик мавзулар мажмуидаги илмий нашриётлар базалари ҳам мавжуд. Биология бўйича исталган илмий журналнинг барча сонларида чиқадиган ҳар бир мақола маълумотлар базасига жойлаштирилади изланувчи уни интернет тармоғи орқали осон топиб олиши учун қисқа таъриф бериб қўйилади. Энг катта тиббий-биологик нашрлар он-лине кутубхонаси ПубМед сўнгги 50 йил мобайнида 16 млн. дан ортиқроқ мақолаларни ўз ичига олади.

Интеграл маълумотлар базаси ва энциклопедиялар конкрет ген, оқсил, органим ва ҳ.о. ҳақидаги барча маълумотларни ўзида жамлаш каби муҳим

функцияларни амалга оширади. Улар катта миқдордаги бошқа маълумотлар базалари ахборотларини умумлаштиради ва уни ҳамиша янгилаш туради.

Ҳар қандай янгидан ўқилган геном ҳарфларнинг турли хил комбинатсияларида такрорланувчи улкан кетма-кетликлар кўринишида намоён бўлади. Биоинформатика бундай хилма-хилликдаги матндан генларни ажратиб олиш имкониятини беради. Геномдан генни ажратиб олиш каби бундай оператсия геномни белгилаш деб аталади.

Барча генлар функцияларини тажрибалар асосида аниқлаш етарли даражада мураккабликни юзага келтиради. Бу ҳолатда биоинформатика функциялари аллақачон аниқланган генлар билан солиштириб кўришга таянган ҳолда уларни башорат қилишда кўмаклашади. Оқсил молекуласида биологик вазифаларнинг ҳар хил турларига жавоб берувчи участкалар мавжуд. Биоинформатика усуллари ёрдамида ушбу участкаларни аниқлаш конкрет бир оқсилнинг барча спектр функциясини очиб беради.

Оқсил структураларини тажрибалар асосида, яъни масалан оқсил молекулаларидан ташкил топган микроскопик кристални рентген нурлари билан нурлантириш орқали аниқлаш мумкин. Бу эса етарли даражада узоқ ва қимматли жараён ҳисобланади. Айрим оқсиллар кристалл тузилмаларга эга бўлмаганлиги сабабли уларни таҳлил қилишнинг умуман иложи йўқ. Биоинформатика компьютер моделлаштириш ёрдамида ҳеч бўлмаганда оқсил структураси узоқроқ ўхшаш кетма-кетлиги маълум бўлган ҳолатларда оқсилнинг фазовий моделини ясашда ёрдам беради.

Геномика методлари асосида олинган молекуланинг фазовий структурасини билган ҳолда унинг қандай ишлашини ва унинг ишлашига қандай таъсир эта олишни башорат қилиш мумкин.

Дори препаратларини фазода ҳар хил химиёвий боғланишлар билан оқсил-нишонларнинг ўзаро таъсирини моделлаштириш асосида тайёрлаш мумкин. Бунда катта миқдори боғланишларни саралаш ва энг мақбулларини танлаб олиш керак бўлади.

Биология, кимё, физика, математикаҳамда информатика фанларини бирлаштириш биологик тизимни ҳар томонлама тавсифлаш имконини беради. Компьютер ресурсларидан фойдаланиш таҳлил жараёнини бир неча маротаба тезлаштиради ҳамда олинадиган натижаларнинг аниқлигини ва тезлигини оширади.

Биоинформатика технологияларидан фойдаланиб қилинган биология соҳасидаги янги кашфиётлар тез суратда тибиёт, фармакология, косметология, биотехнология, қишлоқ хўжалиги, экология ва бошқа соҳаларда жалб қилинади.

Биоинформатика мустақил равишда амалий аҳамиятга эга бўлган натижалар беради ва шунингдек биологиянинг турли соҳаларида ишлаш учун шароит билан таъминлайди.

Биоинформатика бўйича ишнинг катта қисми биологик ахборотни сақлаш ва уни таҳлил қилиш учун маълумотлар базасидан фойдаланиш технологиялари атрофига жамланган. Бундай маълумотлар базаси оммабоп

ёки шахсий бўлиши мумкин. Уларга очиқ стандартлар орқали оммавий кириш хуқуқини олиш эса муҳим аҳамият касб этади. Гарчи маълумотлар базасидан фойдаланишга нисбатан бу усуслар анчагина кенг тарқалган бўлсада биологик ахборотларни таҳлил қилиш учун онтология ва мантиқий усуслардан фойдаланиш ривожланиб бормоқда.

Геномиканинг ривожланиш бочқичлари ва ютуқлари. Бир қанча хорижий давлатларда XX-XI асрларда геномика жадал суратда ривожланаётган дунё биотиббиёт фанлари соҳасига айланиб борди. Биоинформатсион технологиялар истеъмолчилари тадқиқотчилар, фундаментал ишланмалар муаллифлари билан бир қаторда тиббиёт, фармакология, биотехнология ҳамда ўқув муассасалари ҳисобланади. Фаннинг бу соҳаси АҚШда ва шунингдек бошқа ривожланган давлатларда муҳим йўналиш сафатида қаралади.

Европа, Осиё, АҚШ ҳамда Австралия давлатларида биоинформатика марказлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Биоинформатика бўйича давлат, академик ҳамда таълим марказлари билан бир қаторда сўнгги йилларда соҳада олинган тадқиқот натижалардан тижорат мақсадида фойдаланишга йўналтирилган сезиларли даражадаги ташкилот ва лойиҳалар юзага келди.

Бу энг аввало геномларнинг, шунингдек одам геномининг структуравий, функционал ҳамда қиёсий таҳлили бўйича фаолият юритувчи ташкилотлардир. Геномика соҳаси бўйича яратилган усусларни кўллаш билан бирга амалий муаммоларни ечиш йўлида, хусусан фармакологияда техник ҳамда дастурий базалар жадал суратда ривожланиб бормоқда. Бундай муаммоларни бартараф этишда дастурий таъминот саноати ҳам такомиллашиб бормоқда.

Мамлакатимизда геномика ва биоинформатика фанларининг ривожланишига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли дунё фанида ўз ўрнига эга нуфузли илмий мактаб ва муҳит шакллантирилди, замонавий лабораториялар ташкил этилиб, кенг миқёсда халқаро илмий алоқалар йўлга кўйилди. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика марказида соҳада анчагина муваффакиятли дастурлар амалга оширилди. Марказда етакчи ҳорижий илмий марказ тажрибалариға эга, биоинформатсион технологиялар бўйича билим ва кўнижмаларни пухта эгаллаган илмий ходимларнинг фаолият олиб бориши ва шулар ҳисобга олинган ҳолда марказда биоинформатика лабораториясининг ташкил этилганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Марказ илмий жамоаси ҳанузгача ноаниқ бўлган ғўза геномидаги рекомбинатсион блоклар (яъни, авлоддан-авлодга кўчиб ўтадиган ген аллеллари тўплами) ўлчамларини топиб, замонавий тезкор “ассотсиатив карталаштириш” усулини кашф этди. Натижада ғўза геномидаги генлардан фойдаланишнинг янги имкониятлари очилиб, ғўзада замонавий маркерларга асосланган селексия усуслари ишлаб чиқилди. Бу соҳада Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилган. (Автономов, Канаш, Мираҳмедов, Абдуллаев ва бошқалар).

Ген (қадимги.-юнон. γένος — уруғ, келиб чиқиши) — тирик организмлар ирсиятининг таркибий ва функционал бирлиги демакдир. Ген - маълум бир полипептид ёки функционал РНК кетма-кетликларини юзага чиқарувчи ДНК кетма-кетликлари билан ифодаланади. Генлар (аникрофи, генлар аллеллари) кўпайиш жараёнида организм ирсий белгиларининг ота-она генотипларидан авлодларга ўтишини белгилайди. Бунда айрим органеллалар (митохондрия, пластиidlар) ўз белгиларни юзага чиқарувчи организм геномига таълуқли бўлмаган ўзига хос ДНКларига эгадир.

Одам геноми – бу одам организмни тўқима хужайраларида мавжуд бўлган ирсий (генетик) материал умумий йиғиндиси ҳисобланади. Одам геноми хужайра ядроси ва шунингек, митохондриялар таркибида жойлашган 23 жуфт хромосомалардан ташкил топган. Бунда хромосомаларнинг 22 жуфти аутосомалар ва бир жуфти жинсий хромосомалардан (Х ва Й хромосомалар) ташкил топган.

Одамнинг хар бир соматик хужайра ядросида 23 жуфт хромосома бўлиб: хар бир хромосомада бир молекула ДНК жойлашади. Одамда битта хужайрадаги 46 молекула ДНК узунлиги тахминан 2 метр, нуклеотид жуфтлари сони 6,4 млрд. Одам танасидаги ҳамма хужайралар умумий ДНК узунлиги (тахминан 5×10^{13}) 1011км ни ташкил этади, бу қариб ердан куёшгача бўлган масофадан 1000 марта қўпроқдир. Одамда генларнинг сони 30минг дан 40 минг оралиғида.

Одам геноми лойиҳаси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар давомида одам геноми таркибида 20 000 – 25 000 фаол ҳолатдаги генлар аниқланган.

Одам геноми таркибида 28 000 атрофидаги генлар тавсифланган.

Ирсият ва ўзгарувчанликни муайян генетик аппарат фаолияти тамиллайди. Ҳозирги даврда генетик аппарат тузилиши 3 босқичга ажратилади: ген, хромосома ва геном.

Геномнинг тузилиши ва фаолиятининг асосий принциплари тўлиқ ДНК молекуласи хусусиятлари билан белгиланади.

Хромосомаларда генлар бир текис жойлашмаган.

Хар бир хромосома кўп ва кам ген участкаларидан ташкил топган.

Одам геномидаги генлар бошқа оддий организмларга қараганда анча кўпроқ. Бунинг сабаби одам геномида алтернатив сплайсинг кенг тарқалганилигидир.

Одам ва бошқа сут эмизувчи организмлар теломерида тандем такрорлар (ГГГТТА) кетма-кетликдан ташкил топган.

Микросателлитлар (ёки оддий қисқа тандем такрорлар)- ДНКдаги 1- 6 жуфт асос узунликдаги такрорланувчи фрагментлардир. Микросателлитлар нуклеотидлар кетма-кетлигини юқори тезлиқда ўзгариши билан тавсифланади, ДНК репликатсияси нуктали мутатсияда кўчиб ўтади. Микросателлитлар минисателлитлар каби популатсион генетик текширувларда молекуляр маркерлар сингари фойдаланилади.

Транспозонлар –организмда учрайдиган ДНК қисми бўлиб, ўз жойини ўзгартириш қобилиятига эга. Улар геном доирасидагина кўпаяа олади. Транспозонлар “сакровчи генлар” номи билан машҳур, улар генетик мобил элементларнинг бир вакили ҳисобланади. Транспозонлар геномнинг кодланмайдиган қисмига киради. ДНК нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида оқсил таркибидаги аминокислоталар кетма-кетлиги ҳақидаги информатсияни ташимайди. Шунга қарамай мобил элементларнинг бир қанча синфлари таркибида ферментлар кетма-кетлиги ҳақидаги маълумот бўлади. Бу ферментлар транспозон харакатланишини транскрипсия ва катализатсия қиласди. Масалан, ДНК транспозонлар ва ДДП1 - транспозаза, БОРС1 ва БОРС2 ферментларини кодлайди.

Хар хил организмларда транспозонлар турли хил даражада тарқалган. Масалан, одамларда транспозонлар ДНК кетма-кетлигининг 45% ни ташкил қиласди. Дрозофил мева пашшасида транспозонлар бутун геномнинг 15-20% ни ташкил қиласди. Ўсимликларда транспозонлар геномнинг асосий қисмини эгаллайди. Маккажӯхорида транспозонлар бутун геномнинг 85% ни ташкил қиласди.

2012-йилда 96 та одам касалликлари рўйхатга олинган. Бунинг сабаби генетик мобил элементларнинг де ново кириши натижасидир.

Алу-такрорлар хромосома аберратсиясини келтириб чиқаради. Мана шу хромосом аберратсияси натижасида 50 дан ортиқ касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Псевдогенлар – структур генларнинг функция бажармайдиган аналоги ҳисобланади. Оқсилларни кодлаш қобилиятини йўқотган хужайрада экспрессия бўлмайди. Псевдоген оддий функционал генлардан келиб чиқсан, мутатсия натижасида экспрессия қобилиятини йўқотган (стоп кодонларнинг пайдо бўлиши, ўқиш доирасининг силжиши ва шу кабилар).

Ретропсевдогенларнинг сони ўртача миқдорда функционал генлардан кўпроқ.

Вируслар - одам геномининг 1% га яқини ретровируслардир (ендоген ретровируслар). Бу генлар одатда эгасига фойда келтирмайди, баъзи холатларда истисно бўлиши мумкин. Масалан, 43 миллион йил олдин одам ва маймунлар аждодлари геномида ретровирус генлари пайдо бўлган, улар вирус қобиғининг ҳосил бўлишида хизмат қилган. Одамларда ва маймунларда бу генлар йўлдош (платсента) ишлашида қатнашади. Кўп миқдордаги ретровируслар одам аждодлари геномига 25 миллион йиллар олдин қўчиб ўтган.

Одам геномини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар – яъни, одам геноми харитасини тузиб чиқиш ишлари АҚШ да 1984-йилда режалаштирилган.

20 асрнинг 70 йиллари бошларигача одам генетик карталари тузиш жуда секин даражада ривожланган. Одамнинг биринчи гени (рангни ажратса олмаслик гени) 1911-йилда X-хромосомасида карталаштирилган. Биринчи Аутосом гени 1968-йилда карталаштирилган. 1973-йилга келиб одам

хромосомасида 64 та ген карталаштирилган. 1994-йилда эса 5000 структур генлар ва 60000 дан зиёд ДНК маркер кетма-кетликлари карталаштирилган.

1996-йилга келиб қисқа тандем динуклеотид кетма-кетликларидан ташкил топган юқори информатив полиморф худудлар 5264 анализи асосида одам геномининг тўлиқ харитаси юзага келди; бу генетик маркерлардан 2032 тасининг ўрни аниқланди ва улар орасидаги ўртача масофа 1,6 см ни ташкил этди.

ДНКда минглаб фрагмент нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланди, ДНК кетма-кетлигини компьютерда излаш имконияти очилди ва оқсил молекуласидаги аминокислота кетма-кетлиги аниқланди.

Компьютер алгоритми асосида генларнинг сони аниқланган, бу аниқланган генларнинг вазифаси одам геномида оқсилларни кодлайди. Ҳалқаро консорсиум 31780 та оқсил кодловчи генларни аниқлаган, Селера Геномикс фирмаси эса 39114та генларни аниқлаган.

1988– йилда АҚШда одам геноми структурасининг секвенирланиши йўналишида изланишлар бошланган. 1990–йилда Ҳалқаро лойиха Ж.Уотсон раҳбарлигига кенг миқёсда амалга оширила бошланган. Шунингдек, бу йўналишдаги тадқиқотларга 1988–йилда академик А.А.Баев (Россия) ҳам жалб қилинган.

1990–йилда одам геномини ўрганиш бўйича Ҳалқаро ташкилот (ХУГО) ташкил қилинган ва унга академик А.Д.Мирзабеков раҳбарлик қилиши белгиланган.

1990–йилларда одам геномини ўрганиш йўналишида Ҳалқаро лойиха бўйича илмий тадқиқотлар учун 60 000 000 АҚШ доллари қийматида маблағ сарфланган, шунингдек 1996–1999-йиллар давомида АҚШда бу йўналишда ҳар йили 200 000 000 – 250 000 000 АҚШ доллари сарфланганлиги қайд қилинади.

«Одам геноми» лойиҳаси (Тхе Хуман Геноме Прожест)–одам геномининг тўлиқ ҳолатда нуклеотидлар кетма-кетлигини аниқлаш мақсадида 1990–йилда бошланган. Бу йўналишдаги асосий илмий тадқиқотлар АҚШ, Англия, Канада давлатлари олимлари томонидан амалга оширилиши қайд қилинади. Турли давлат қатнашчилари одам геномини ўрганиш учун 23 жуфт хромосомаларнинг ҳаммасини ўзаро бўлиб олдилар. Иш таҳминан 2005йил, 15 йилда тутатилди

1998–йилда АҚШда Крейг Вентер томонидан одам геноми структураси бўйича олинган маълмотларни патентлаш ғояси илгари сурилган, бироқ 2000–йилда АҚШ ҳукумати томонидан бу йўналишда олинган илмий тадқиқотлар натижалари ошкоралик тавсифга эга бўлиши ва ҳамма учун фойдаланиш қулайлиги таъминланиши мақсаддага мувофиқлиги қайд қилинган. Шу сабабли, ҳозирги вақтда Интернет тармоқларида «УССС Геноме Броузер» каби одам геноми ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган браузерлар функция бажариши ташкил қилинган.

Геномни ўқиший йилдан йилга ўсиб бараверди. Агар дунё бўйлаб биринчи йил бир неча миллион нуклеотид жуфти ўқилган бўлса, 1999-йил

шахсий америка «Селера» фирмаси Дж.Вентер бошчилигига 10млн. нуклеотид жуфтини бир суткада расшифровка (кенгайтирилди) қилди.

Халқаро дастурнинг асосий мақсади одам геномдаги барча геном ДНК нуклеотид кетма-кетлигини аниқлаш, генларни идентификатсия қилиш ва генларнинг жойлашган ўрнини аниқлаш (карталаштириш).

“Одам геноми“ дастури асосий вазифалари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Биринчи босқичда ўртача 2 млн.дан ортиқ бўлмаган асосларнинг (1млн асос 1мегабаза-1Мб га teng, басе-асос инглизчадан олинган) батафсил генетик харитасини тузиш ва генлар орасидаги масофани белгилашни тамомлаш.

Иккинчи босқичда хар бир хромосоманинг қисқача тахминий физиологик харитасини тузиш.(0,1Мб ўлчамли).

Учинчи босқичда алоҳида клон бўйича характерланаган бутун геномнинг юқори аниқликдаги физиологик картасини олиш (клон 5 Кб ни ўз ичига олади).

Тўртинчи босқичда одам геноми умумий ДНК сининг тўлиқ бирламчи структураси (секвенсини) аниқланашга ажратилган. (1 асос ўлчамда)

Бешинчи босқич охирги босқич бўлиб, топилган нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида организмдаги ҳамма генларнинг жойлашган ўрни ва уларнинг функционал ахамиятини аниқлаш.

«Одам геноми» лойиҳаси (Тхе Ҳуман Геноме Прожест) бўйича илмий тадқиқотлар натижалари дунёнинг етакчи илмий журналларида нашр қилинган.

Тхе Ҳуман Геноме Прожест натижалари якунида ишлаб чиқилган одам геноми структураси қоғоз варианти Лондон музейида сақланади.

Бошқа эукариот организмлар геномига таққослагандан одамда геномида иммун тизимиға жавоб берувчи генлар кенг тарқалган, нерв тизимимни ривожлантирувчи факторлар, миelin оқсилилари, сигнал молекулалари, потенсиал бошқарилувчи ион каналлар ва синаптик ресепторлар оқсили, ситосклетнинг тузилишида везикулалар харакатида, хужайра ички ва ташқи сигнализатсияси таминланишида гомеастазни рафбатлантирувчи тизмлар яхши ривожланган. Одамда жуда катта миқдорда генлар транскрипсияда ва транслатсияда иштирок этади. Шу 2000 генларнинг ичидаги 900 таси оқсилилар оиласига мансуб уларнинг таркибида рух бармоқлари сақлайди.

Одам геноми 28000 нуклеотид жуфтларидан иборат бўлиб шундан 8 экзон, уни кодловчи 1340 кетма-кетлик нуклеотид жуфтларидан иборат. Бу ген 447 та аминокислотани кодлайди.

Одам геномидаги энг катта геном- мускул оқсили гени бўлиб дистрофин (2,4 106 н. ж.) ташкил топган. Склет мускулларининг эгилувчанлигини сусайтиришига жавобгар бўлган фибриляр оқсили титин, у 27000 аминокислота қолдигидан иборат. Унинг гени 234 экзондан иборат. Одам геномидаги оқсилилар оиласига мансуб уларнинг таркибида титин оқсилини

кодловчи генда энг кўп экзонлар топилган. Одам геноми эукариот организмлар ичидаги ген мураккаби ҳисобланади. ДНКнинг кетма-кетлиги бир турдан кўпроқ мРНКларни кодлаши мумкин.

Одам геномини ўрганиш – бевосита генларнинг функсиясига аниқлик киритиш ва турли хил касалликларни ген терапия усулида даволаш услубларини ишлаб чиқиши имкони беради. Масалан, 2008–йилда одам организмида ҳаёт кечирувчи микрофлора тур таркибини ўрганишга қаратилган – «Одам микробиоми» (HMP) Ҳалқаро лойиҳаси ишлаб чиқилган ва бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда. Айнан, «микробиом» атамаси 2001–йилда одам организмида ҳаёт кечирувчи микроорганизмлар геномини тавсифлаш мақсадида фанга киритилган. Жумладан, ҳозирги вақтда одам организмида овқат ҳазм қилиш тизимида ҳаёт кечирувчи микрофлора геномини ўрганиш бўйича йирик илмий марказ сифатида – «МетаҲИТ» Европа консорсиуми фаолият олиб бормоқда.

Одам геномини ўрганиш молекуляр тиббиётда ирсий ва ирсийланмайдиган касалликларни диагностика, даволаш ва профилактикаси учун катта аҳамият касб этади.

Одам геномини ўрганишнинг аҳамияти шундан иборатки тиббиёт нуқтайи назаридан энг муҳим бўлган ёмон сифатли ўсмалар, гипертония ва атеросклероз каби касалликларни ирсийланиши учун маъсул генларни аниқлаш.

